

МАҲАЛЛА ЁКИ КЎЧАНИ НОМЛАШДА
ФУҚАРОЛАР ТАШАББУС КЎРСАТАДИ

7

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
9,8 ФОИЗИ ДЕПРЕССИЯДАН ҚИЙНАЛАДИ

13

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЎНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 12 НОЯБРЬ 2022 ЙИЛ | №45 (2079)

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar



3-саҳифада.

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА БАНДЛИК МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

КЎЗГУ

**БИР МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА
ФУҚАРОЛИК БЕРИЛАДИМИ?**



АГАР ЛОЙИҲА АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНСА,
НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАШ ЖУДА ҚАТЪИЙ ТАРТИБ
АСОСИДА ЎТИШИ ЛОЗИМ. КЎШИМЧА ШАРТ
СИФАТИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНИШНИ КИРИТИШ
АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ

11

ҲОЛАТ

**1,5 МИЛЛИОН СЎМ —
ҚОНУНИЙ СОВҒАМИ ЁКИ ПОРА?**



ҚАШҚАДАРЁГА ХИЗМАТ САФАРИГА БОРГАНДА, УНГА
ТАНДИР ГЎШТИ СОВҒА ҚИЛИНСА, У БУ ҲУДУДДАГИ
МАСАЛАЛАРГА УНГ КЎЗ БИЛАН ҚАРАЙДИ. УНДАН КЕЙИН
СУРХОНДАРЁГА БОРСА-ДА, БИРОҚ ТАНДИР СОВҒА
ҚИЛИНМАСА, НИМА БЎЛАДИ?

**НЕГА ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИДА
ДАМ ОЛМАЙМИЗ?**



ДАВЛАТ ТИЛИМИЗ ХАЛҚИМИЗНИНГ ДУНЁДА БОРЛИГИНИ
КЎРСАТУВЧИ ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ ЭКАН, НИМА УЧУН
21 ОКТЯБРНИ ДАМ ОЛИНАДИГАН БАЙРАМЛАР ҚАТОРИГА
ҚЎШИШ МУМКИН ЭМАС? ГЕРБ, БАЙРОҚ ВА МАДҲИЯМИЗ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН САНАЛАР-ЧИ?..

12

Йиғилиш натижалари бўйича Ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Бундан ташқари, Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби лавозимига Кубаничбек Омуралиев номзоди тасдиқланди.

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ: ТАРИХ, ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАК

2022 ЙИЛ 10-11 НОЯБРЬ КУНЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА
АЪЗО МАМЛАКАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан мазкур йиғилишда иштирок этиш учун мамлакатимизга Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ташриф буюрди.



Президент Шавкат Мирзиёев 10 ноябрда ташкилотга аъзо давлатлар етакчилари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашувларида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар муҳокама қилинди. Шавкат Мирзиёев фармони билан Режеп Таййип Эрдоған «Олий даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотланди.

Кечки пайт Туркий давлатлар етакчилари «Буюк ипак йўли» халқаро туризм марказидаги «Боқий шаҳар» мажмуасига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмонларнинг ташрифи шарафига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан қабул маросими ўтказилди.

Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасидаги асосий тадбирлар 11 ноябрь куни бўлиб ўтди.

Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши кун тартибига мувофиқ, етакчилар сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзаро боғлиқликни кучайтириш, туризм, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш

масалалари кўриб чиқилди. Худудлар ўртасида фан ва таълим, технологиялар ва инновациялар борасидаги ҳамкорликнинг самарали механизmlарини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистон ўз раислиги даврида «Туркий дунё нигоҳи – 2040» концепцияси ҳамда «Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси»ни самарали амалга ошириш, 170 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган Ташкилот нуфузини янада мустаҳкамлаш, ва энг асосийси – тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш ниятида эканини билдирди.

Ўзбекистон раҳбари Ташкилот фаолиятининг чуқур таҳлили асосида туркий мамлакатларнинг улкан салоҳияти ва имкониятларини ишга солишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

Савдо, инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун Ташкилот доирасида «Янги иқтисодий имкониятлар худудини»ни барпо этиш лозим. Ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар ҳамда дунё етакчи бизнес вакилларини кенг жалб қилган ҳолда ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форумни ўтказиш даркор.

— Кун тартибидеги яна бир стратегик аҳамиятга эга бўлган долзарб масала – бу транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириш. Жумладан, биз Транскаспий халқаро коридори ҳақида кўп гапираяпмиз, аммо сезиларли натижаларга эришиш учун анча ишлар қилишимиз керак. Мисол учун: Ўзбекистон ушбу транспорт йўлига орқали 10 фоиз ташқи савдо юklarини ташимокда. Биз транспорт ва транзит салоҳиятимизни тўла ишга солиш учун нималар қилишимиз керак, қандай қўшимча чоралар кўриш керак, уларни қайси муддатда ва кимлар амалга оширади, деган саволларга жавоб топишимиз лозим. Бу борада бугун қабул қилинаётган Дастур асосида транспорт вазирларимиз томонидан йил охирига қадар қўшма ҳамкорликнинг аниқ режа ва самарали меҳанизmlарини ишлаб чиқишни таклиф этамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш самарали тизимини яратиш бўйича Ташкилот доирасида кўп томонлама битим қабул қилиш, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан кенг қамровли шерикликни ўрнатиш, Туркий агрофорумни мунтазам ўтказиб бориш лозим.

Келгуси йили юртимизда Туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро конгрессини ўтказиш таклифи

илгари сурилди.

Ўзбекистон Президенти Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш, унинг нуфузини янада ошириш ва ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ ишлатиш мақсадида бу тузилмада институционал ислохотлар лозимлигини қайд этди. Жумладан, вазирлар даражасида алоҳида кўмиталар тузиш, Котибиятнинг ўрни ва таъсирини ошириш, давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва ҳужжатларнинг қатъий назорат тизимини кучайтиришга ташкилотнинг Оқсоқоллар кенгашини жалб этиш лозим.

Йиғилиш натижалари бўйича Ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Бундан ташқари, Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби лавозимига Кубаничбек Омуралиев номзоди тасдиқланди.

Туркий давлатлар ташкилоти саммити якунида мукофотларни топшириш маросими бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шерикликни мустаҳкамлашда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған ҳамда Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг алоҳида ҳиссаси борлиги қайд этилиб, уларни

Туркий дунёнинг олий ордени билан тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мукофотларни Президент Шавкат Мирзиёев топширди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилган. Унинг илк соҳиби туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун буюк адиб ва жамоат арбоби, улўф гуманист Чингиз Айтматов бўлди. Бу мукофот Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга топширилди.

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити доирасида яна бир хайрли ишга қўл урилди – барча иштирокчи мамлакатларда дарахт экиш маросими бўлди.

Саммитнинг асосий тадбирларидан кейин туркий давлатлар етакчилари Регистон майдонига ташриф буюрди. Ўзбекистон Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон ва Венгрия етакчилари мажмуа боғига кўчатлар экди.

Маросим ушбу давлатлар пойтахтлари ва мамлакатимиз худудларида видеоалоқа орқали кўрсатилди. У ерларда ҳам минглаб кўчатлар экилди. Шу тариқа, дарахтзорларни кўпайтириш ҳаракати халқаро миқёс касб этди.

Президент матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

МОҲИЯТ

Марказларда битта ижтимоий лойиҳа доирасида 20 нафаргача хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир нафар бандлиги таъминланадиган ишсиз хотин-қиз учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда 3 миллион сўмдан ошмаган миқдорда давлат гранти ажратилади.



Ҳар бир маҳаллада бандлик марказлари ташкил этилади

МАРКАЗЛАР МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАРИ ЙИҒИНИ ТОМОНИДАН ТИКУВЧИЛИК, ҚАНДОЛАТЧИЛИК, ФИТНЕС, ШЕЙПИНГ, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБГА ЎҚИТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА 5 ЙИЛ МУДДАТГА ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ

ТАДБИРКОРГА 3 МЛН. СЎМГАЧА ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИЛАДИ

2022 йил 8 ноябрь санасида аёллар бандлигини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим ҳужжат қабул қилинди. «Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустақкамлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига асосан, ҳар бир маҳаллада шундай марказлар ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, қарор билан тегишли Низом тасдиқланди.

Марказ биноларини барпо этиш учун ҳар бир маҳалладан **300 квадрат метргача бўлган** доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объекти оператив бошқарув ҳуқуқи асосида **маҳаллаларга ажратилади**. Марказлар туман ҳокимликларининг маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлари ҳисобидан барпо этилади.

Ҳужжатга асосан, марказлар **маҳалла фуқаролари йиғини томонидан** хотин-қизлар фаолларининг тавсиясига асосан, тикувчилик, қандо-

латчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига **5 йил муддатга ижарага берилди**. Марказларда битта ижтимоий лойиҳа доирасида **20 нафаргача хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш** мақсадида ҳар бир нафар бандлиги таъминланадиган ишсиз хотин-қиз учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда **3 миллион сўмдан ошмаган миқдорда** давлат гранти ажратилади.

ҚАНДАЙ ЛОЙИХАЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ?

Давлат гранти қуйидаги тоифадаги хотин-қизларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлашига қўмаклашишга қаратилган лойиҳалар учун ажратилади:

- «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га, шунингдек, «Аёллар дафтари»га киритилган;
- ишсиз, айниқса, қишлоқ жойларда бола тарбияси билан шугулланаётган;
- хорижий меҳнат миграциясидан қайтиб келган;
- ногиронлиги бўлган меҳнатга лаёқатли ишсиз;

- норасмий бандликни қисқартириш мақсадида **кундалик меҳнат фаолияти билан шугулланиб, даромад топаётган;**
- **одам савдосидан ҳамда таййиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, мушкул иқтисодий аҳволга тушиб қолган;**
- **умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларини тугатган, ОТМга ўқишга кира олмаган ёки олий таълимда ўқиш учун имконияти бўлмаган ишсиз хотин-қизлар;**
- **муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган, профилактика рўйхатга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизлар.**

Грант маблағлари марказларда ижтимоий лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган дастгоҳ, ускуна ва жиҳозлар харид қилишга йўналтирилади. Давлат грантини олиш учун тадбиркорлик субъекти **маҳалла фуқаролар йиғини орқали** тегишли ҳужжат ва маълумотларни **туман (шаҳар) ишчи гуруҳига** тақдим этади. Бунда лойиҳа номи, бизнес-режаси, фаолият йўналиши ва яратиладиган иш ўринлари сони, талаб этиладиган давлат гранти миқдори ва харид қилинадиган дастгоҳлар, асбоб-ускуналар тўғрисида-

ги маълумотлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектининг гувоҳномаси ва маҳалла билан тузилган ижара шартномаси нусхалари тақдим этилади.

ҲОКИМЛИКЛАР ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРАДИ?

Қарор ижросини таъминлашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Кадастр агентлиги билан биргаликда **300 квадрат метргача ер участкалари ва бўш турган биноларни** марказлар ташкил этиш учун тегишли маҳаллаларга ажратилиши ва уларнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маҳалла-

бай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан бирга марказлар биноларини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш, улар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда **маҳаллаларга қўмаклашади**. Бундай марказлар босқичма-босқич барча маҳаллаларда барпо этилади.

Қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва хотин-қизлар саломатлигини мустақкамлаш мақсадида марказларда фитнес, шейпинг машғулотларини ташкил этишга қўмаклашади ва бунга хотин-қизларни жалб этиш чораларини кўради.

Хуллас, эндиликда аёллар бандлигини таъминлаш учун иш берувчи ва фуқароларга барча шароитлар маҳалланинг ўзида яратилади. Бундан кўзланган мақсад аниқ: хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларга хонадонидан чиқмай даромад топиш имконини бериш, келгусида пенсия таъминоти учун зарур заҳираларни яратиш, шу билан бирга, соғлом ҳаёт кечирishiни таъминлаш. Ҳукумат қароридан бу жиҳатларнинг барчаси мужассам бўлган.

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ўзбекистон ва Озарбайжон нурунийлари етакчилари учрашди

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигида Озарбайжон Оқсоқоллар кенгаши раиси Эльдар Гулиев, «Озарбайжон – Ўзбекистон» Дўстлик қўмитаси раҳбари Эльдар Ибрагимов, Озарбайжон Миллий мажлиси депутати Машҳур Маммадов билан мулоқот бўлиб ўтди.



Қизғин ва самимий мулоқот руҳида бўлиб ўтган учрашув аввалида Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, «Нуруний» жамғармаси бошқаруви раиси Содикжон Турдиев халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталарининг кейинги йилларда янги босқичга кўтарилгани ҳақида тўхтади.

Шунингдек, мамлакатимизда кекса авлод вакиллари ҳамда нурунийларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини юксалтириш, яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ва имтиёзлар,

кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар, уларнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Эльдар Гулиев самимий таклиф учун ўз миннатдорчилиқ билдирди, мамлакатимизда кексалар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бой касбий ва ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади ҳамда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали яхши амалий натижаларга эришиш мумкинлигини алоҳида эътироф этди.

Мулоқот давомида икки томонлама ўзаро ҳамкор-

ликни мустақкамлаш бўйича 10 дан ортиқ таклифлар муҳокама қилинди ҳамда йўналишлар бўйича келишиб олинди.

Шунингдек, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари С.Турдиев Озарбайжондаги «Туркий оқсоқоллар кенгаши» жамоат ташкилоти раиси Судейф Имамвердиев бошчилигидаги делегация аъзолари билан ҳам учрашди. Унда меҳмонлар республикаимизда маҳалла тизими ва нурунийларни фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан батафсил таништирилди.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

Айни пайтгача 4 км. тармоқ тортиб бўлинди, қолган ишлар ҳам тез орада якунланади. Шайхонтохур тумани «Катта ҳовуз» маҳалласидан келиб тушган мурожаатлар асосида ҳудуддаги эскирган газ тақсимлаш пункти янгиланди. Бу билан Жалолобод кўчасидаги 256 та хонадонда «зангори олов» пилиги кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, Тошкент шаҳридаги Президент Халқ қабулхонаси бошчилигида Юнусобод туманида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумига тайёрлаш, иссиқлик, сув, табиий газ, электр энергиясига оид масалаларни ўрганиш ва ҳал қилиш мақсадида навбатдаги оммавий қабул ташкил этилди.

Бир кунда 332 та мурожаат кўриб чиқилди



79 ТА МУРОЖААТ ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНДИ, 56 ТАСИ ЮЗАСИДАН ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ ВА ТУШУНТИРИШ БЕРИЛДИ, КЎШИМЧА ЎРГАНИШ, ВАҚТ ВА МАБЛАҒ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН 197 ТА МУРОЖААТ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Мулоқотларда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирликлари, энергетика, ободонлаштириш, йўл ва ичимлик сув тизими идоралари, шаҳар(туман) ҳокимликлари масъуллари мурожаатларда кўтарилган масалаларга ечим излади.

Олмазор туманидаги «Гулзор» маҳалласида яшовчи Саиданвар Мадиҳужаев ва Собитжон Турсунов ҳудуддаги йўллар таъмирию электр энергияси таъминотидаги масалаларга ечим сўрамоқда. Автомобиль йўллари қўмитаси масъуллари асфальт қилиниши сўралаётган мазкур кўчани жойига чиқиб ўрганиб, дастурлар асосида ҳал қилиб беришни ўз зиммасига олди. «Худудий электр тармоқлари» АЖ мутасаддиларининг ўрганишларидан сўнг маҳаллага қўшимча ёки катта қувватли янги трансформатор ўрнатилди.

Шу туманининг «Юқори Себзор» маҳалласидаги кўп қаватли 4-«а» уйда истиқомат

қилувчи Любовь Кривенсованинг айтишича, мазкур уйда лифт ўрнатилганига 24 йил бўлган, яъни алмаштириш муддати келган. Шу боис лифт тез-тез бузиляпти. Бу, табиийки, аҳолига анча ноқулайлик туғдирапти. Хўш, бу масаланинг ечими қандай? Буни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги масъуллари ечим беришди. Олмазорнинг «Қўштут» маҳалласидан қабулга келган Эркин Умархоннов мурожаати асосида улар истиқомат қилаётган Қўштут тор кўчасидаги 60 дан зиёд хонадонни оқова сув тармоғига улаш масаласига келгуси йилги дастурлар асосида ечим топиладиган бўлди.

Дилноза Умрзоқова қабулга кўпнинг муаммосига ечим сўраб келди. Аёлнинг айтишича, улар яшаётган Юнусобод тумани 12-даҳа 30-уйдаги 108 та хонадонда иситиш тизими яхши ишламайди. Совуқ кунлар эса яқин. Бу масала бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, муаммо жойига чиқиб ўрганиладиган ва ҳал қилинадиган бўлди.

Сурайё Носирова Чилонзорнинг «Катта Дўмбиро-бод» маҳалласида яшайди. Опанинг боқувчиси йўқ, уч фарзандининг иккиси хаста. Оғир ижтимоий аҳволдаги аёл шароити туфайли иссиқ сув ва газдан қарздорлигини тўлай олмаяпти. Унинг қарздорлиги ички имкониятлар ҳисобидан қоплаб бериладиган бўлди. Яшнобод туманидаги «Дилбоғ» маҳалласида яшовчи Инна Савина мурожаати асосида маҳалла болалари учун ўйин майдончаси қуриб берилади. Олмазор туманидаги Абу Бакр Шоший номидаги маҳаллада яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан бирининг хонадонни оқова сув тармоғига улаб берилади.

Қабуллар давомида аввалги мулоқотларда, Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар бўйича белгиланган вазифалар ижроси ўрганилди. Айтайлик, Олмазор туманидаги «Қорасарой» маҳалласидаги 2-уй аҳолиси мурожаатлари асосида бу уй йўлагига бугун янги, замо-

навий лифт ўрнатилмоқда. Бу, айниқса, юқори қаватда яшовчи кекса, ногиронлиги бор ва бемор инсонлар учун катта қулайликдир.

Яшнобод туманининг «Бешариқ» маҳалласидаги 41-уй аҳолиси мурожаатларида айтилган лифт масаласига ечим топилди. Айни пайтда уйнинг 4 та йўлагидagi ўз муддатини ўтаб бўлган лифтлар янгисига алмаштирилди. Юнусобод тумани «Собиробод» маҳалласидаги 21-уй аҳолиси мурожаатлари асосида мазкур уй томининг 300 квадрат метр қисмида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Худди шундай мурожаатлар асосида Мирзо Улуғбек тумани «Янги Камолот» маҳалласидаги 28-уй томи янгиланмоқда.

Мирзо Улуғбек туманининг «Амир Темури» маҳалласи аҳолиси электр таъминотидаги узилишлардан шикоят қилишган эди. Муаммо жойига чиқиб ўрганилгач, маҳаллада юқори кучли янги трансформатор ўрнатилди. Бу билан 80 га яқин хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди.

Яшнобод туманининг Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла аҳолисини йиллар бўйи ўйлантирган катта муаммоси бу йилги дастурлар асосида ҳал қилинди. Маҳалладаги 350 та хонадонга қарий 6 км. оқова сув тармоғи тортилмоқда. Айни пайтгача 4 км. тармоқ тортиб бўлинди, қолган ишлар ҳам тез орада якунланади. Шайхонтохур тумани «Катта ҳовуз» маҳалласидан келиб тушган мурожаатлар асосида ҳудуддаги эскирган газ тақсимлаш пункти янгиланди. Бу билан Жалолобод кўчасидаги 256 та хонадонда «зангори олов» пилиги кўтарилди.

Мухтасар айтганда, Президент Халқ қабулхонаси Юнусобод туманида ташкил қилган навбатдаги оммавий қабулда 332 та мурожаатнинг 79 таси жойида ҳал қилинди, 56 та масала юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, қўшимча ўрганиш, вақт ва маблағ талаб қиладиган 197 та мурожаат назоратга олинди.

Мансур АБДУСАТТОВ.

ЖАРАЁН

Таҳлил тўғри, танқид ўринли, хулоса ҳаммага тегишли

Қашқадарё вилоятида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ҳамда Президентнинг 2022 йил 21-22 апрель кунлари вилоятга ташрифи доирасида берилган топшириқлар ижроси доирасида бу йил 100 та маҳалла биносини янгидан қуриш белгиланган эди.



Шу кунга қадар 48 та маҳалла биноси қуриб битказилди, 53 таси қурилиш жараёнида. Биргина Кўкдала туманида 19 та йиғин биноси фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг ҳисобот йиғилишида айтиб ўтилди.

Таъкидландики, жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтган маҳалла раислари сарловидида вилоятдаги 813 та маҳаллада раислар сайланди. Уларнинг 697 нафари (85,7 фоиз) олий, 116 нафари (14,3 фоиз) ўрта-маҳсус маълумотга эга. Раисларнинг 569 нафари (70 фоиз) биринчи мартаба сайланди, шунингдек, 43

нафарини аёллар ташкил этади, 27 нафари (3,3 фоиз) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларидир.

Йиғилишда маҳалла ҳудудларини ободонлаштириш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, «Бир нуруний – ўн ёшга масъул» тамойили бўйича ишларни янада жонлантириш, қизларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳ, оилавий низоларнинг олдини олиш, маросимларни ихчам ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, ёшларни турли тўғаракларга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар белгиланди. Маҳаллалар

ўртасида «Футболимиз келажиги», «Маҳалламиз полвонлари», «Соғлом оила» мусобақалари мунтазам ўтказиб бориш борасидаги ишлар муҳокама этилди.

Йиғилишда ҳудудий бўлинмаларнинг ижро интизоми, фуқароларнинг мурожаатлари ва хат-ҳужжатлари билан ишлаш борасида йўл қўйилган айрим камчилик ва хатолари айтиб ўтилди. Бу борада Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз туманларидаги ҳолатларга танқидий баҳо берилди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шоҳиста БОЗОРОВА.

ЖАРАЁН

Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда республикадаги мавжуд маҳаллаларнинг ягона реестри шакллантирилди. Ҳозирги кунда уни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Қолаверса, «Нуроний» ягона электрон платформаси ишлаб чиқилиб, тест режимда ишга туширилди.



Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги республикамиз маҳаллаларини ахборот технологиялари билан таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилаган. Жорий йил Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда маҳаллаларнинг интернет тармоғига уланганлиги бўйича хатлов ўтказилди.

Қанча маҳалла интернет тармоғига уланган?

9 370 ТА МАҲАЛЛАДАН 9 235 ТАСИ ИНТЕРНЕТГА УЛАНГАНИ АНИҚЛАНДИ ҲАМДА ҚОЛГАН 135 ТА МАҲАЛЛАНИ ИНТЕРНЕТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Хатлов жараёнида 9 370 та маҳалладан 9 235 таси интернетга улангани аниқланди ҳамда қолган 135 та маҳаллани интернет билан таъминлаш ишлари бошланди. Шунингдек, маҳалла раисларининг бу соҳадаги билим ва малакасини ошириш мақсадида 9 370 та маҳалла раисларининг рўйхати шакллантирилиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этилди.

Вазирлик таркибидаги тузилмаларда мавжуд компьютер ва бошқа ахборот техника воситаларининг 1459 тадан 1055 таси, маҳаллаларда 16 760 тадан 12 771 таси ярқли экранлиги аниқланди. Хатлов натижасига кўра, компьютер ва ахборот техника воситаларини харид қилиш ва янгилаш бўйича техник иқтисодий ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

Маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни рақамлаштириш

орқали «Ижтимоий маҳалла» ахборот тизимини яратиш мақсадида Президентнинг «Маҳаллада аҳоли билан ишлаш фаолиятига рақамли «Ижтимоий маҳалла» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда республикадаги мавжуд маҳаллаларнинг ягона реестри шакллантирилди. Ҳозирги кунда уни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Қолаверса, «Нуроний» ягона электрон платформаси ишлаб чиқилиб, тест режимда ишга туширилди.

Бундан ташқари, маҳалла фаолиятида юритилаётган ҳужжатлар ва ҳисоботлар хатловдан ўтказилиб, 15 турдаги ҳужжатлар ва 10 турдаги ҳисоботлар юритилиши аниқланди. Ўз навбатида хатлов натижасига кўра, мазкур ҳужжатлар ва ҳисоботларни рақамлаштириш бўйича

таклифлар тайёрланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан, вазирлик томонидан Очиқ маълумотлар порталига (data.egov.uz) жойлаштириш учун 8 та маълумотлар тўплами шакллантирилган бўлиб, ҳозирда улардан 7 та маълумотлар тўплами янгиланди.

Бир сўз билан айтганда, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги олдида қўйилган вазифаларни сифатли ва тезкор бажариши учун барча шароитлар яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, тизимда эришилган натижаларда аксини топмоқда.

Миржалолиддин МИРСОДИҚОВ, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси.

Маънавият оиладан, маҳалладан бошланади

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, «Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодий бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир». Янги Ўзбекистонни барпо этишда бу борада бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодий ҳамда аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий мероси ҳамда миллий қадриятларга асосланган юксак маънавиятига таянамиз.



Бу борада бугун Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги жорий йилнинг 9 ойи давомида 119 313 та маънавий-маърифий тадбир ўтказган бўлса, шундан 33 834 таси миллий ва оилавий қадриятларни тарғиб этишга қаратилган тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари, учрашувлардир.



Эътиборлиси, бу тадбирларда 853 753 нафар аҳоли иштирок этди. Қолаверса, «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида ўтказилган 29 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари, учрашув-мулоқотларда 80 000 нафарга яқин юртдошларимиз қамраб олинди.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этиш тадбирларида ёшларни турли ёт ғоялардан сақлаш, уларни соғлом ва баркамол тарбиялашда таълим муассасалари билан биргаликда давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиляпти. Умумхалқ байрамлари муносабати билан маънавий-маърифий ва оммавий-маданий тадбирлар, тўй ва бошқа маросимларни тартибли ва ихчам ўтказишга оид тарғибот тадбирлари уюштириляпти.

Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган маънавий-маърифий анжуманларда барча қатламдаги фуқаролар иштироки таъминланяпти.

Давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар, меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини мана шу каби маънавий-маърифий тадбирлар орқали янада кенг тарғиб қилинмоқда. Зеро, инсон оилада шаклланади, камол топади, оила эса маҳаллада ўрин топади, маҳалла ўз навбатида жамият негизи ҳисобланади. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятида айни шу узвийликнинг аҳамияти катта.

Наврўз МУСАЕВ, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга кўмаклашиш бўлими бошлиғи.

НИГОХ

Аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун, аввало, уларни иш билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиш керак. Негаки, доимий иши, даромади бўлган фуқарода ечими оғир муаммо бўлмайди. Қолаверса, у жамиятга керакли шахс эканини ҳис этгани ҳолда, кичик масалаларни ўзи ҳал эта оладиган бўлади.

Фаол ва ташаббускор раислар барчага ибрат бўлади

Бугун халқ хизматида бўлиш шарафли юмуш бўлиши билан бирга, катта масъулият юклайди. Бунинг ҳар бир раҳбар, жойлардаги мутасаддилар теран ҳис этмоғи зарур. Шу маънода маҳалла тизимига қаратилаётган эътибор, берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқ розилигига эришиш — олдимиздаги муҳим вазифадир. Шунинг фахри билан айтиш керакки, бу вазифани бажаришимизда халқимизнинг бизга бўлган ишончи янада куч бағишламоқда.



ДОИМИЙ ИШИ, ДАРОМАДИ БЎЛГАН ФУҚАРОДА ЕЧИМИ ОҒИР МУАММО БЎЛМАЙДИ. ҚОЛАВЕРСА, У ЖАМИЯТГА КЕРАКЛИ ШАХС ЭКАНИНИ ҲИС ЭТГАНИ ҲОЛДА, КИЧИК МАСАЛАЛАРНИ ЎЗИ ҲАЛ ЭТА ОЛАДИГАН БЎЛАДИ

27 НАФАР РАИС НЕГА ИШДАН БЎШАДИ?

Ечимини кутаётган масалалар маҳалладан ташқарига чиқмаслиги учун, аввало, ўша ҳудуд фаоллари етарлича малака ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши шарт. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин? Албатта, биринчи навбатда, тажрибали, фаол ва ташаббускор, халқнинг муаммосини ўзиники каби ҳис эта оладиган маҳалла раисларини сайлаш орқали. Шу маънода жорий йилги сайловларда айни жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида **723 та** маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Сайловда **721 та** маҳаллага янги раислар сайланди (**2 та** маҳалла сайловдан кейин июнь ойида ташкил этилди). Сайланган раисларнинг **441 нафари** (61 фоиз) биринчи мартаба, **280 нафари** (39 фоиз) амалдаги раисларни ташкил этади. Уларнинг **89 нафари** (12 фоиз) аёллардан, **17 нафари** маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат. Маълумоти бўйича **673 нафари** (93 фоиз) олий, **48 нафари** (7 фоиз) ўрта-маҳсус маълумотга эга.

Яна бир жиҳат: сайловлардан кейин бугунги кунга қадар вилоят бўйича **27 нафар** маҳалла раиси ишдан бўшаган ва уларнинг ўрнига амалдаги қонунчилик асосида сайловлар ташкил этилиб, барчасига қайта раислар сайлаб олинди. Ишдан бўшаган раисларнинг **12 нафари** ўз хоҳишига кўра, **7 нафари** суд қарорига асосан, **4 нафари** бошқа ишга ўтгани ва **1 нафари** вафот этгани сабабли эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

Бугун вилоятда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳамда фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар асосида қуриш, уларни зарур мебель, компьютер, алоқа воситалари ва интернет тармоғи билан таъминлаш, мазкур соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бу ҳақда сўз борганда, айтиш керакки, **723 та** маҳалладан **639 таси** ўз хизмат биносига эга. **84 та** маҳалланинг биноси бўлмагани сабабли турли ташкилот ва таълим муассасаларида фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда ўз биносига эга бўлмаган йиғинларни бино билан таъминлаш мақсадида 2022-2023 йилларга мўлжалланган манзилли дастур вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган. Унга кўра, 25 та маҳалла жорий йилги, 59 та йиғин 2023 йилги дастурга киритилди.

Йил бошидан буён ана шу **25 та** маҳаллага янгидан бино қуриб берилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, **10 та** маҳалла биноси капитал ва **112 та** бино жорий таъмирланди. **140 та** маҳаллага компьютер жамланмаси, **106 тасига** мебель жиҳозлари етказиб берилди. Бундан ташқари, вилоятимиздаги барча йиғинлар интернет тармоғига уланган. Мавжуд **195 та «оғир»** маҳаллалардан ҳозиргача **65 таси** бу тоифадан чиқарилди. Қолган **130 та** маҳаллада ишлар олиб борилмоқда.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси доирасида ҳудудда **17 та** маҳалла биносига қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Шундан **8 та** бино янги қурилади (ҳозирда **2 таси** фойдаланишга топширилди, **6 тасида** қурилиш ишлари олиб борилмоқда), **9 та** бино таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, **5 тасида** ишлар давом этмоқда, **4 тасида** лойиҳалаш ишлари якунига етди.

Яна бир мисол: жорий йилда яна **3 та маҳалла** (Термиз туманида **1 та** ва Шўрчи туманида **2 та**) ташкил қилиниши режалаштирилган. Бундан ташқари, йиғинлар фаолиятини такомиллаштириш ва иш ҳажмини оsonлаштириш мақсадида **1 500 дан зиёд** оиласи мавжуд **36 та** маҳаллани бўлиш кўзда тутилган.

БАНДЛИК — МУАММОЛАР ЕЧИМИГА «КАЛИТ»

Аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун, аввало, уларни иш билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиш керак. Негаки, доимий иши, даромади бўлган фуқарода ечими оғир муаммо бўлмайди. Қолаверса, у жамиятга керакли шахс эканини ҳис этгани ҳолда, кичик масалаларни ўзи ҳал эта оладиган бўлади. Шу боис бугун юртимизда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Вилоятимизда жорий йилнинг шу даврига қадар маҳаллалар ташаббуси, тавсияси билан **62 024 нафар** ишсиз фуқронинг бандлиги таъминланди. Шундан **5 316 нафари** доимий ишга жойлаштирилди, **2 215 нафари** тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган, **38 096 нафари** ўзини ўзи банд қилган, **7 513 нафари** қишлоқ хўжалигида банд қилинган ва **8 884 нафари** бошқа йўналишларда иш билан таъминланган.

Қолаверса, номли дафтарларга киритилган фуқароларга моддий, маънавий ва психологик ёрдамлар кўрсатилмоқда. Жумладан, «Аёллар дафтари»га киритилган **41 222 нафар хотин-қизнинг 40 499 нафарига** (98 фоиз) белгиланган **6 та тоифа бўйича** амалий ёрдамлар берилди. «Ёшлар дафтари»га киритилган йигит-қизларнинг **1 235 нафари** иш ўринларига жойлаштирилди, **2 225 нафарига** банк кредитлари ажратилди, **9 626 нафарига** қишлоқ хўжалиги ерлари берилди.

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида ҳунармандчилик, тадбиркорлик, айниқса, томорқа маданиятини тарғиб қилиш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Натижада одамларнинг томорқага, ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгаряпти. Вилоятимиздаги мавжуд **723 та** маҳалланинг барчасида «Уста-шогирд» анъанаси изчил давом эттирилмоқда.

ТАШАББУС КЎРСАТГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Юқорида баён этилганлардан ташқари, маҳаллаларда мурожаатлар билан ишлаш, «Ташаббусли бюджет» жараёнида иштирок этиш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилган.

Биргина мурожаатлар билан ишлаш соҳасини олсак, йилнинг шу даврига қадар **3 855 та** мурожаат келиб тушган. Уларнинг **88 фоизи** қаноатлантирилган, **9 фоизига** тушунтириш берилган, **1,4 фоизи** рад этилиб, **1,5 фоизи** тегишли ташкилотларга йўналтирилган. Туманлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп мурожаат Шеробод (358 та), Денов (347 та) ва Сариев (313 та) туманларига тўғри келмоқда. Мурожаатлар мазмунига қаралса, уларнинг аксарияти моддий ёрдам, уй-жойни тиклаш, соғлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ экани ойдинлашади.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида **икки мавсумда** вилоят бўйича жами **267 та маҳалла 279 та** лойиҳа бўйича «ғолиб» деб топилган. Улар жами **206 млрд. 26 млн. сўм** маблағни ютиб олишган. Афсуски, бу жараёнда **102 та** маҳалла қатнашмаган. Қатнашмаганлик сабаблари сўралганда, кўпчилиги, асосан, мактаб, йўл, трансформатор ҳамда ичимлик сув бўйича қўшни маҳаллалар билан биргаликда иштирок этганини баён қилишган. Бу бўйича барча маҳаллаларда тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун оддий одамларнинг дардига қулоқ тутиб, уларга тезкор ечим топиш — олдимиздаги энг муҳим вазифадир. Бунинг учун барча имкониятимизни ишга солганмиз. Келгусида ушбу бурчимизни тўла адо этиш учун бошқа ҳудудлар тажрибасини ўрганиб, Сурхондарёга хос ва мос бўлган усулни ишлаб чиқиш, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз билан бамаслаҳат иш тутишни мақсад қилганмиз.

Фаррух ТОИРОВ,
Сурхондарё вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

МОҲИЯТ

Хужжатда таниқли шахслар номини белгилаш, жумладан, экспертиза ўтказиш, мувофиқлаштириш, маҳаллий аҳолининг фикрларини ҳисобга олиш ва тасдиқлаш тартиби батафсил баён этилган. Қонун, шунингдек, туманлари бўлган шаҳар ичидаги бир нечта бир хил географик объектларга бир хил ном беришни чеклайди.

Маҳалла ёки кўчани номлашда фуқаролар ташаббус кўрсатади

Кейинги йилларда жамият ҳаётига оид муҳим хужжатларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиёти жорий этилдики, бу турли тушунмовчиликларнинг олдини олиш, одамларнинг долзарб масалаларда фаол иштирок этишига замин яратди. Хусусан, қонун хужжатлари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилапти, «Очиқ бюджет» орқали кўпгина муаммоларга ечим топилапти ва ҳоказо. Эндиликда географик объектларга ном беришда ҳам аҳолининг фикри ўрганилади.



ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА ҚАЙТА НОМЛАШДА АҲОЛИ ТАШАББУСЛАРИГА КўПРОҚ йўл очилади. ЭНГ муҳими, бир ҳудудда бир нечта номларнинг қайта-қайта учрашига барҳам берилади

Амалдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунда географик объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш назарда тутилган бўлса-да, бироқ бу жараённи амалга ошириш тартиби, шунингдек, фуқароларнинг географик объектларга ном бериш бўйича ташаббусларни илгари суриш ваколатлари кўзда тутилмаган.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликда географик объектларга Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини беришга доир нормалар очиб берилмаган. Бундан ташқари, таркибда туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда географик объектларга ном бериш ваколати халқ депутатлари туман Кенгашларига берилгани ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали мувофиқлаштириш ҳамда қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

2022 йил 2 ноябрда Президент Шавкат Мирзиёев имзолаган қонун билан «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунга бир қатор янги нормалар ҳамда тегишли

ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қонун юқорида келтирилган масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хўш, ўзгартиришлар нималардан иборат?

ЖОЙ НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШДА АҲОЛИ ФИКРИ ИНОБАТГА ОЛИНАДИ. Қонунга кўра, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш жараёнида маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари келиб тушган тақлифларни муҳокама қилиш учун **беш кундан** кечиктирмай ўз расмий нашрларида, веб-сайтларида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Тақлифлар муҳокамаси улар эълон қилинган санадан эътиборан **15 кундан** кам бўлмаслиги керак.

Маҳаллий аҳоли тақлифларга нисбатан ўз фикрини **оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда** яқка тартибда ёки жамоа бўлиб билдириши мумкин. Бунда шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Аҳолидан келиб тушган фикрлар умумлаштирилади ҳамда бу фикрлар тегишли комиссияга киритилади, мазкур комиссия хулоса тайёрлаш чоғида бу фикрларни ҳисобга олади.

МАҲАЛЛА НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШДА ФУҚАРОЛАР ТАШАББУС КўРСАТИШИ МУМКИН. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоққўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқароларнинг ташаббуслари, шунингдек, маҳалла, корхона, муассаса, ташкилотларнинг илтимосномаларига асосан, туман-шаҳар ҳокимлари киритган тақлифга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан амалга оширилади. Бунда ҳокимлар фуқароларнинг ташаббуслари, шунингдек, илтимосномаларни кўриб чиқади ҳамда уларни зарур хужжатлар билан бирга туман-шаҳар комиссиясига юборади. Ўз навбатида комиссия томонидан кўриб чиқилган тақлифлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига юборилади. Комиссия уларни қонунчилик талаблари-

га мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан давлат экспертизасидан ўтказиш учун Кадастр агентлигига топширади. Худудий комиссиялар амалга оширилган ишларнинг якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради.

ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРГА ЖАҲОН ТАРИХИДА ЧУҚУР ИЗ ҚОЛДИРГАН ШАХСЛАРНИНГ ИСМИ-ШАРИФИНИ БЕРИШГА йўл қўйилади. Айтиш керакки, ушбу тартиб шу вақтга қадар қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, мамлакатда таниқли шахслар номи билан аталган объектлар бор эди (хусусан, Александр Пушкин, Лев Толстой, Шота Руставели, Жавоҳарлал Неру, Юрий Гагарин ва бошқалар). Энди-

ликда Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш уларнинг вафотидан кейин Президентининг қарорига асосан ҳамда, қоида тариқасида, номлари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига нисбатан амалга оширилади.

Хужжатда таниқли шахслар номи белгилаш, жумладан, экспертиза ўтказиш, мувофиқлаштириш, маҳаллий аҳолининг фикрларини ҳисобга олиш ва тасдиқлаш тартиби батафсил баён этилган. Қонун, шунингдек, туманлари бўлган шаҳар ичидаги бир нечта бир хил географик объектларга бир хил ном беришни чеклайди. Бу битта шаҳарда бир хил номларнинг мавжудлигини истисно қилади.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида тарихда чуқур из қолдирган шахсларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга беришда келиб чиқаётган турли муаммолар бартараф этилади. Географик объектларга ном бериш ва қайта номлашда аҳоли ташаббусларига кўпроқ йўл очилади. Энг муҳими, бир ҳудудда бир нечта номларнинг қайта-қайта учрашига барҳам берилади.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Нурободда 23 та маҳалла инфратузилмаси яхшиланади



Президентимизнинг жорий йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, республика бўйича маҳалла раислари, фаоллар тақлифлари асосида маҳаллаларни янада обод, аҳоли турмушини фаровон қилиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бу маҳалла раисларига билдирилаётган ишонч ва, ўз навбатида, катта имкониятдир.

Нуробод туманидаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари берган тақлифлар асосида йиғинлар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича дастур шакллантирилиб, унинг тўла-тўқис ва сифатли бажарилишини таъминлаш, лойиҳаларнинг молиялаштириш манбалари, ижрога масъуллар аниқ кўрсатилган ҳолда тасдиқланди.

— Мазкур қарорга асосан, тасдиқланган дастур 2022 йилда туманимиздаги 23 та маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилашни кўзда тутади, — дейди туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Тўлқинжон Хушмуродов. — Жами 18 миллиард сўм маблағ ажратилади. Аҳолини тоза

ичимлик сув билан таъминлаш, йўл инфратузилмасини яхшилаш, электр, газ таъминотини, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш юзасидан манзилли дастур асосида ишлар олиб борилади. Умуман, кейинги йилларда туманимизда ислохотлар жадал қадамлар билан олиб борилмоқда. Айтиш керакки, маҳалла идоралари учун янги биноларни қуришда илдаммиз.

Яқинда «Оқсойда» маҳалласи маркази фойдаланишга топширилди. Бир кун илгари «Бунёдкор» маҳалласи учун янги бино фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг ўзида худудимизда 20 дан ортиқ янги маҳалла бинолари қуриб битказилди.

ВАЗИЯТ

Низомда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш Жамғарма маблағлари сарфланадиган асосий йўналишлардан бири ҳисобланиши айтиб ўтилган.

Жорий йил март ойида Президентимизнинг «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Унга кўра, оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, «маҳаллабай» ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида қатор вазифалар белгиланган.



Янги жамғарма хотин-қизларга қандай имконият яратади?

НИЗОМДА ОҒИР ИЖТИМОИЙ ВАЗИЯТГА ТУШИБ ҚОЛГАН, ШУ ЖУМЛАДАН, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ САРФЛАНДИГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРДАН ЭКАНИ БЕЛГИЛАНГАН

Қарорда оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Вазифалардан бири сифатида Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш белгиланган. Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси жамғарма фаолиятининг вазифалари, мақсади ва молиялаштириш усуллари қамраб олган Низомни тасдиқлади.

— Хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш давлатимизнинг аёллар масаласидаги сиёсатининг асосий йўналишларидан, — дейди

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бўлим бошлиғи Хайринисо Мирзажонова. — Тураржойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни «Аёллар дафтари» орқали манзилли қўллаб-қувватлаш, жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш — барча ҳаракатларимизнинг бош мақсади. Янги жамғарма айнан юқоридаги мақсадларга хизмат қилади. Жамғарманинг асосий мақсади — оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш, оилавий ва хусусий тадбиркорлик, хунармандчиликни ташкил этишда кўмаклашиш, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар

бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда уларга кўмаклашиш ва рағбатлантиришдир.

Ҳужжат билан жамғарманинг олий бошқарув органи — Васийлик кенгаши таркиби тасдиқланди. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб ҳар йили 300 млрд. сўмгача бўлган миқдорда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар, ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, қонунчилик ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар белгиланди.

Шу билан бирга, Низомда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш Жамғарма маблағлари сарфланадиган асосий йўналишлардан бири ҳисобланиши айтиб ўтилган.

У. ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Олис овулларда сайёр қабул ўтказилди

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси А.Оринбаев Кўнғирот туманидаги Қорақалпоғистон ва Жаслик шаҳарча фуқаролар йиғинлари, Жанубий Устюрт овули, Тахтақўпир туманидаги Қоструба овулида бўлиб, фуқаролар билан учрашди.



Қорақалпоғистон шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудидаги Маданият саройида ўтказилган оммавий қабулда фуқаролар электр энергияси, табиий газ, ичимлик сув билан таъминлаш, тадбиркорлик соҳасидаги айрим масалалар бўйича мурожаат қилди. Қабулда иш билан таъминлашни сўраб мурожаат қилган Нурлан Қатарбаев, Рома Александров, Зинаида Байжанова каби бир қатор фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Улар ушбу ҳудуддаги корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштирилди. Рашид Бабаевнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириши учун ер майдони аукцион савдосига қўйиб бериладиган бўлди. Тадбиркор Олжас Есенов туячилик хўжалигини ташкил этиш ва аҳолини туя сути ҳамда гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш учун имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилди. Ҳудуддаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан унга кредит маблағи ажратиладиган бўлди.

Жаслик шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар Саламат Жанабаев ва Света Елиўбаеванинг уйини таъмирлаш, Мирзагул Курбанова раҳбарлигидаги ширкат хўжалигини керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш юзасидан қилган мурожаатлари ҳал этилиб, тегишли маблағ ажратиладиган бўлди. Шунингдек, 17 та кўп қаватли турар-жойнинг оқова сув муаммоси ўз ечимини топди. Қабул давомида фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди. Вақт талаб қиладиган мурожаатлар тегишли соҳа раҳбарларига топширилиб, уларнинг ижроси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг қатъий назоратига олинди.

Кўнғирот туманидан деярли 200 километр узоқ масофада жойлашган Жанубий Устюрт овулида бўлган учрашувда аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш, ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилоти биносини реконструкция қилиш, тарбиячи штат бирлигини очиш каби масалаларни ҳал этиш қайд этилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш, газ ҳисоблагичлар ўрнатиш, овулга борувчи йўлни таъмирлаш, мактаб биносини реконструкция қилиш, аҳолини моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини қисқа муддатда ҳал этиш бўйича тегишли соҳа раҳбарларига топшириқлар берилди. Натижада овул халқини кўпдан буён қийнаб келаётган муаммолар ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Нукус шаҳридан 260 километр, Тахтақўпир тумани марказидан 150 километр узоқ масофада жойлашган Қоструба овули аҳолисининг муаммолари ўрганилди. Асосан қорақўлчилик билан шуғулланадиган фермер хўжалиқларига артезиан қудуқларини қазиб бериш, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳудуддаги мактабни кадрлар билан таъминлаш, овулга борувчи йўлни таъмирлаш юзасидан тегишли соҳа раҳбарларига топшириқ берилди.

ХУҚУҚ

Янги кодекс Норма ижодкорлиги Концепциясига мувофиқ, кўплаб тўғридан-тўғри кучга эга бўлган меъёрлар билан бойитилди. Бундай меъёрлар ҳозирча Вазирлар Маҳкамасининг турли Низомлари билан тартибга солинмоқда, лекин кодекс кучга киргандан кейин қонун даражасида амал қилади.

Янги Меҳнат кодекси аввалгисидан қандай фарқ қилади?

Янги Меҳнат кодексиди иш берувчиларнинг тоифалари янгиланган бўлиб, уларнинг доираси анча кенгайди. Эндиликда иш берувчи сифатида нафақат ташкилотлар, балки уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари иш бериш ваколатига эга бўлади. Бундан ташқари, жисмоний шахслар иш берувчилар қаторига расман киритилди. Меҳнат шартномасини тузиш асослари амалдаги кодексда мавжуд бўлса-да, янги тахрирда ҳар бир асосни тушунтирадиган алоҳида модда шаклланган.



ЯНГИ МЕХНАТ КОДЕКСИ ТАРКИБИЙ ЖИХАТДАН 7 ТА БЎЛИМ, 34 БОБ, 581 МОДДАДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, АМАЛДАГИ КОДЕКСНИНГ ҲАЖМИДАН ИККИ БАРОБАР КАТТАДИР. БУНДА АМАЛДА БЎЛГАН НОРМАЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЯНГИ, ҲАЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАТБИҚ ЭТИЛМАГАН МОДДАЛАР ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН

Айтиш керакки, кодексда 26 йиллик амалиётда фойдасини тасдиқлаган меъёрлар сақланиб қолган. Булар — меҳнат шартномаси, уни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ моддалардир. Бироқ уларни аниқлаштирувчи моддалар қўшилган. Бунда айрим моддалар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига зид бўлгани сабабли чиқариб ташланган. Масалан, иш берувчининг ташаббусига кўра, пенсия ёшига етгани муносабати билан ходимни ишдан бўшатиш асоси янги кодекс матнида йуқ.

Қолаверса, янги кодекс Норма ижодкорлиги Концепциясига мувофиқ, кўплаб тўғридан-тўғри кучга эга бўлган меъёрлар билан бойитилди. Бундай меъёрлар ҳозирча Вазирлар Маҳкамасининг турли Низомлари билан тартибга солинмоқда, лекин кодекс кучга киргандан кейин қонун даражасида амал қилади. Булар — ишга жойлаштиришда ижтимоий Ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун иш берувчиларнинг резерв иш жойларини ажратиб қўйиши, вақтинча ва мавсумий ишларда меҳнат шартномасини тузиши, ўриндошларнинг, касаначиларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиши ва ҳоказо. Муддатли меҳнат шартномаларини тузиш шартлари эркинлашди.

Бундан ташқари, илгари тартибга солинмаган, лекин меҳнат соҳасига бевосита тааллуқли бўлган кўплаб масалалар алоҳида меъёрлар сифатида киритилди. Масалан айрим касб эгалари меҳнатининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, айтайлик, педагоглар, тиббиёт ходимлари, корхона раҳбарлари, ўриндошлар, меҳнат шароитлари оғир бўлган касб эгаларининг меҳнат муносабатлари эндиликда меъёрлар билан тартибга солинади.

ЭХТИЁЖМАНД ҚАТЛАМГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари ва уларнинг аниқ мезонлари янги кодексдан ўрин олди. Хусусан, 14 ёшга тўлмаган, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она, шунингдек, кўп болали оилалардаги ота-оналар, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактаблари ва коллежлари ҳамда техникумларини тамомлаб касбга эга бўлган ёшлар, «Меҳрибонлик» уйлари битирувчилари, ОТМларнинг давлат гранти бўйича таълим олган битирувчилари, ногиронлиги бўлган, пенсияолди ёшдаги шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра, ўзига нисбатан тиббий йўсундаги мажбурият чоралари қўлланилган шахслар ҳамда одам савдосидан жабрланганлар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига киритилди.

Бундай шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. ОТМни грант асосида битирганлар махсус йўлланма орқали ишга жойлашади. Йўлланмаси бор бўлган битирувчиларни иш берувчилар, биринчидан, ишга олиши шарт, иккинчидан, уларга синов муддати белгиланмайди (бир йил ичида агар олийгоҳни битиргандан кейин биринчи марта ишга кираётган бўлса). Шунингдек, 3 ёшга тўлмаган болани парваришлаётган ходим билан (ёлғиз она ёки ёлғиз ота), яъни ёлғиз боқувчи бўлса, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиб бўлмайди.

Ногиронлиги бор шахсларни ташкилотнинг минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилиш керак, бунда уларнинг соғлиғига тўғри

келмайдиган ишларни таклиф этиш мумкин эмас. Бундай шахслар мунтазам равишда тиббий кўриқдан иш берувчи ҳисобидан ўтказилади. Худди шундай, вояга етмаган ходимлар меҳнатига тааллуқли янгиликлар бор. Уларнинг иш вақти эндиликда кунлик белгиланади ва ўқиш билан банд бўлган ёки бўлмаганига қараб, икки соатдан етти соатгача белгиланади.

КАСАНАЧИЛАР МЕХНАТИ ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

Кодексга касаначилар, масофадан ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорлар қўлида ишлаётган ходимларнинг меҳнати хусусиятларидан келиб чиқиб, мутлақо янги меъёрлар киритилган ва ҳар бир янги касб эгалари меҳнати атрофлича тартибга солишга ҳаракат қилинган. Масалан, улар билан тузиладиган меҳнат шартномасининг хусусиятлари алоҳида белгиланган.

Касаначи билан тузиладиган шартномада умумий шартлардан ташқари, албатта, касаначи меҳнат функцияларини амалга ошириш учун унга берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарни таъмирлаш бўйича иш берувчининг мажбуриятлари, касаначи фойдаланадиган сув, электроэнергия, алоқа учун иш берувчининг харажатлари келтирилган. Касаначилар учун ишдан ташқари ва тунги вақт учун иш ҳақи тўланмайди.

Аксинча масофадан ишлаётганларнинг меҳнат муносабатлари бошқача тартибда белгиланган. Масалан, масофадан иш олиб борувчига тегишли асбоб-ускуналар ва (ёки) офис жиҳозлари зарур бўлса, уни бундай буюмлар билан таъминлаш тартиби, алоқа воситалари харажатларини

қоплаш тартиби ва шартлари, ходимнинг иш вақти, ишдан ташқари ишлар учун ва тунда ишлагани учун қўшимча тўловлар белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Кодекс билан мавсумий ишларда, вақтинча икки ойгача муддатда ишлаётганлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади ва уларга синов муддати белгиланмайди. Ноқулай ва хавfli меҳнат, ноқулай табиий-иқлим шароитида ишлаётган ходимларга тегишли имтиёзлар белгиланган, масалан, қисқартирилган иш вақти, қўшимча иш ҳақи, қўшимча меҳнат таътиллари шулар жумласидан.

КОДЕКС АМАЛИЁТДА ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Албатта, киритилган ўзгаришлар кўп. Ҳаттоки, ҳамма-мизга маълум бўлган, биринчи қарашда осон деб туюладиган моддалар янги кўринишда берилган. Яна битта муҳим масала: Меҳнат кодекси хусусиятлари шундаки, унинг аксарият моддалари бошқа кодекслар ёки қонунларга ўхшаб тўғридан-тўғри барча учун мажбурий эмас. Масалан, Солиқ кодекси, Ер кодексини оладиган бўлсак, улардаги моддалар аниқ тартибни белгилайди, фуқаролар ва ташкилотлар бу моддаларга риоя қилишга мажбур. Меҳнат муносабатлари эса ходимлар ва иш берувчилар иштирокида ташкил этиладиган жараён бўлиб, аксарияти тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ.

Мисол учун, ходимларнинг меҳнат интизомини белгиловчи, ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, аттестация тартибини белгиловчи, хизмат сафарини тартибга солишчи корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари айнан бир корхона учун қабул қилиниши

мумкин. Бунинг учун, албатта, ҳамма учун намуна сифатида хизмат қиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиши кутилмоқда. Ёки бўлмаса, турли иш берувчиларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, бундай шартномаларнинг намунаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқиши назарда тутилган. Демак, Меҳнат кодекси амалда ишлаб кетиши учун шу ва шунга ўхшаш яна кўплаб ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг барчаси янги кодекс кучга киргунга қадар (6 ой ичида) амалга оширилади.

Яна бир жиҳат: янги Меҳнат кодекси илгари қонун билан тартибга солинмаган тадбиркорлик соҳасидаги ёлланма меҳнат муносабатларини ҳам назарда тутди. Ва бу соҳаларда ишлаётган меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини аниқ белгилаб беради. Тан олиш керак, бугун аҳолининг катта қисми тадбиркорлар қўлида яширин меҳнат бозорида фаолият юритмоқда, бунда улар етарли даражада ойлик иш ҳақи, муносиб меҳнат шароитлари, дам олиш ва таътиллardan воз кечган ҳолда ишлашга мажбур. Умид қиламизки, янги кодекс айнан шундай меҳнаткашларимизнинг ҳуқуқларини Ҳимоя қилган ҳолда, улар фаолият юритаётган иш жойлари ва иш берувчилари расмий равишда ишлашига хизмат қилади.

Гулноза САТТОРОВА,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди.
Айбек ГАНИБАЕВ,
институт бош илмий ходими.

ҚУЛАЙЛИК

Фуқаронинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришда тегишли хулоса олиш учун сўров ички ишлар органларига «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали юборилиши мумкин. Бунда ички ишлар органлари томонидан ҳужжатларни ўрганиб чиқиш муддати 20 кунга қисқарган.

QR-кодли маълумотнома гувоҳнома ўрнига ўтадимми?

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 сентябрдаги «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартибларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 27 октябрдаги «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш соҳасида аҳолига янги қулайликлар яратилмоқда.



ТУФИЛАНЛИК ҲОЛАТИ БЎЙИЧА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА QR-КОД (МАТРИК ШТРИХЛИ КОД) ТАСВИРИ ТУШИРИЛГАН МАЪЛУМОТНОМА БЕРИЛАДИ. УШБУ МАЪЛУМОТНОМА ТУФИЛАНЛИК ҲАҚИДАГИ ГЕРБЛИ ГУВОҲНОМАГА ТЕНГ ЛАШТИРИЛАДИ ҲАМДА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

ТУФИЛАНЛИК ГУВОҲНОМАСИ ТУҒРУҚХОНАДА БЕРИЛАДИ

2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2023 йил 1 июндан эса бутун республика ҳудудида туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали ФХДЭ бўлимларида қайд этиш тартиби жорий этилмоқда.

Бу ҳолатда туғилганлик ҳолати бўйича тиббиёт муассасаларида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома берилди. Ушбу маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш тақиқланади.

Туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги муружаатларига асосан, ФХДЭ бўлимлари томонидан белгиланган миқдорда герб йиғими ундирилган ҳолда расмийлаштириб берилди.

НИКОҲ ДҲМДА ҚАЙД ЭТИЛАДИ

2022 йил 1 ноябрдан 2023 йил 1 июлга қадар никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратишни қайд этиш учун аризаларни Сирдарё вилоятининг туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш бўйича ҳуқуқий экспиримент ўтказиш белгиланди. Ўтказилган ҳуқуқий эксперимент натижалари бўйича ушбу давлат хизматларини давлат хизматлари марказлари орқали жорий этиш мақсадлари мувофиқ, деб топилган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритилади.

Шунингдек, никоҳга кириш ҳақида ариза берилганда — никоҳланувчи шахсларнинг яшаш жойидаги маҳалла фуқаролари йиғинини хабардор қилиш тартиби, никоҳ ва ажрим қайд қилинганда — шахсни тасдиқловчи ҳужжатга штамп қўйиш, ўлим ҳолатини қайд қилишда — ФХДЭ бўлими

томонидан вафот этган шахснинг паспорти ва ҳарбий гувоҳномасини олиб қолиш тартиби бекор қилинди.

ИСМ-ФАМИЛИЯНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШАДИ

Фуқаронинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришда тегишли хулоса олиш учун сўров ички ишлар органларига «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали юборилиши мумкин. Бунда ички ишлар органлари томонидан ҳужжатларни ўрганиб чиқиш муддати 20 кунга қисқарган.

Айтиш керакки, ФХДЭ органларининг 56 миллиондан ортиқ архив маълумотлари рақамлаштирилган ва «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига киритилган.

ФХДЭЛАР СОНИ КЎПАЯДИ

Янги тартибга асосан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва

Гулистон шаҳарларидаги мавжуд никоҳ уйлари ФХДЭ бўлимлари этиб қайта ташкил этилди. Илгари бу никоҳ уйлари фақат никоҳни қайд қилиш билан шуғулланган бўлса, эндиликда бошқа турдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш (туғилиш, ўлим, ажрим ва б.) ваколатига ҳам эга бўлди.

Қолаверса, Адлия вазирига мавжуд штатлар доирасида ФХДЭ бўлимларини ташкил этиш ва

туғатиш бўйича қўшимча ваколат берилди. Эндиликда ФХДЭ органида бир йил иш стажига эга бўлганлар тизимда раҳбарликка номзод бўлиши мумкин.

ФХДЭ органларида турли йилларда бир хил серия ва рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар расмийлаштириб берилгани аниқланган ҳолатларда, ушбу гувоҳномаларни қайта расмийлаштириш учун герб йиғими ундирилмаслиги белгиланди.

Хуллас, янги тартиблар аҳолига кенг қулайликлар яратади. Аввало, бола туғилгач, гувоҳнома олиш учун ҳужжат кўтариб югуришга ҳожат қолмайди, барчаси туғруқхонанинг ўзида расмийлаштирилади. Никоҳ тузиш жараёнидаги расмийликлар эндиликда ДХМлар орқали қулай ва тез амалга оширилади. Республика бўйлаб ФХДЭ бўлимлари сони ортиши навбатлар камайиши, масофалар қисқариши, фуқароларнинг вақти ва бошқа ресурслари тежалиши ҳамда хизмат сифати ортишига олиб келади.

Фаррух Жўраев,
Адлия вазирлиги масъул ходими.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Дурдона иссиқхонадан мўл даромад топяпти



Чироқчи туманининг Қалқама ҳудуди, асосан, тоғли жойлар бўлиб, аҳоли чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Аммо «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади», деганларидек, таваккалчилик билан тадбиркорликни бошлаб яхшигина даромад топаётганлар ҳам бор.



Масалан, ҳудуддаги «Чамбил» маҳалласида яшовчи Дурдона Тўйчиеванинг асли касби ўқитувчи. Дарсдан кейин бўш вақти кўп бўлади. Шу боис турмуш ўртоғи билан келишган ҳолда хотин-қизларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўзи ва келинининг номига 60 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, траншея (ерни қазиш) усулида замонавий иссиқхона қурдирди.

— Ишдан бўш пайтим кўп бўлади, келиним ҳам уйда, шу боис рўзғорга ҳисса қўшилиши учун таваккал қилиб иссиқхона қурдирдик, — дейди Д. Тўйчиева. — Аслида лимонарий қилмоқчи эдик. Қарасам, лимон кўчатлари улғайгунча бошқа экинлар ҳам қилиш мумкин экан. Шундан сўнг бодринг ҳам эқдик. Қалқама бозори уйимизга бир қадам. Август ойида экилган бодрингларимиз ҳозиргача ҳосил беряпти. Кунора узамиз. Даромади ёмон эмас экан. Ҳар қолда рўзғорга даромад. Биринчи марта иссиқхона йўналишида фаолият юрит-

япмиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Дарҳақиқат, Қалқама ҳудудида хотин-қизларнинг ишсизлик даражаси юқори. Бунга яхши англаган тадбиркор Мавлуда Жалолова «Оқ-чола» маҳалласидаги касб-хунар коллежининг қўшимча бинолари негизида ижарачилик асосида тикувчилик фабрикаси очиб, 90 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

М.Жалолованинг айтишича, фабрика ёз ойларида ишга тушган. Бу ерда мавсумий либослар тикилади. Айтиш пайтида болалар ва катталар учун қишки кийимлар тайёрланмоқда. Чевар хотин-қизларнинг барчаси шу маҳалладан. Маҳсулотлар, асосан, ички бозорга, қўшни вилоятларга ва пойтахтга жўнатилади. Тадбиркор янги йилдан бошлаб, фаолиятни кенгайтиришни ҳамда яна 20 та янги иш ўрни яратишни режалаштирган.

С.ИБРОҲИМОВ.

КЎЗГУ

Биз фақат уй олиш учун сарфланадиган пулни эмас, балки реал иқтисодий тармоғига жалб қилинадиган пуллар ҳақида гапиряпмиз. Бизнинг-ча, агар бу лойиҳа амалиётга татбиқ қилинса, номзодларни танлаш жуда қатъий тартиб асосида ўтиши лозим. Қўшимча шарт сифатида ўзбек тилини ўрганишни киритиш айтиш мумкин бўларди.

Бир миллион долларга фуқаролик бериладими?

Шу кунларда жамоатчилик «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ҳужжат лойиҳасини муҳокама қиляпти. Унга кўра, хорижликлар учун мамлакатимиз фуқароси бўлиш тартиблари соддалаштирилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, иқтисодий тартибимизга 1 миллион доллар инвестиция киритган хорижлик қийинчиликсиз ватандошимизга айланиши мумкин бўлади. Бундан ташқари, таниқли олим, спортчи, маданият ва санъат арбоблари соддалаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.



АГАР ЛОЙИҲА АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНСА, НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАШ ЖУДА ҚАТЪИЙ ТАРТИБ АСОСИДА ЎТИШИ ЛОЗИМ. ҚЎШИМЧА ШАРТ СИФАТИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНИШНИ КИРИТИШ АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ

Ташаббус яшин тезлигида муҳокама қилинган сабаб бўлди. Масала юзасидан турли қарашлар илгари суриляпти. Айримлар лойиҳага кескин қарши. Улар хавфсизлик масаласи, маънавий таҳдидларнинг кучайиши тўғрисида хавотир билдираётган бўлса, бошқалар бугун дунёда вужудга келган шароитда мазкур ташаббус юртимизга инвестицияларнинг шиддат билан оқиб келишини таъминлашни айтишяпти. Бу янги иш ўринлари, аҳоли даромадларини ортиши, ривожланган давлатлардаги тадбиркорлар билан яқин ҳамкорлик, банкларнинг ривожланиши, янги фикрлар, тажрибаларнинг оммалашуви, спорт,

санъат, илм тараққиёти, бир сўз билан айтганда, ривожланишга хизмат қилиши таъкидланмоқда.

ХЎШ, КИМ ҲАҚ?

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги юқоридаги ғояни йўқ жой, ҳаводан олмаганини яхши биламиз. Инвестиция эвазига фуқаролик тақдим қилиш амалиёти дунёнинг кўплаб мамлакатларида бор тажриба. 1980-йилларда Кариб денгизидagi митти Сент-Кист ва Невис орол давлати иқтисодий тартибига қатта маблағ тикканлар учун фуқаролик бериш тартибларини ишлаб чиққан.

Шунингдек, Австрия, Туркия, Черногория

давлатларида юқори қийматли кўчмас мулкларни харид қилган чет элликлар учун соддалаштирилган фуқаролик олиш амалиёти мавжуд. Масалан, Австрия 10 миллион евро, Туркия 250 минг доллар, Черногория 350 минг долларлик харид эвазига хорижликларни фуқароликка қабул қилади. Бундан ташқари, Малтада — 700 минг евро, Доминиканда — 200 минг доллар, Гренадада 220 минг доллар эвазига паспорт олиш мумкин.

«ОЛТИН ВИЗА»

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, вазирлик таклиф қилаётган лойиҳа унча ҳам мантиқдан йироқ эмас. Нархи бошқаларникига қараганда

анча юқори (Австрияни ҳисобга олмасак). Юқоридаги тажрибанинг жамоатчилик томонидан «Олтин паспорт» деб аталадиган кўриниши мавжуд.

Масалан, Португалия, Латвия каби давлатлар фуқаролик беришнинг шу каби усулидан фойдаланади. Португалия услуби 2012 йилда амалиётга киритилган. Унга кўра, мамлакатда 500 минг евро қийматли кўчмас мулк харид қилган инсонга 5 йилга «олтин виза» берилади. Бундан улар Португалиянинг туб аҳолиси фойдаланадиган барча имтиёзлардан баҳраманд бўлади. Албатта, сайловларда қатнашиш ҳуқуқидан ташқари. 5 йилдан сўнг эса махсус комиссия «олтин виза»си бор инсонга

Португалия фуқаролигини тақдим этади. Бунда у бирор жиноий ёки жамоатчилик учун хавfli қилмишда айбланмаган бўлиши шарт.

Албатта, қонун лойиҳаси муҳокамага муносиб. Бундан ташқари, биз фақат уй олиш учун сарфланадиган пулни эмас, балки реал иқтисодий тармоғига жалб қилинадиган пуллар ҳақида гапиряпмиз. Бизнинг-ча, агар бу лойиҳа амалиётга татбиқ қилинса, номзодларни танлаш жуда қатъий тартиб асосида ўтиши лозим. Қўшимча шарт сифатида ўзбек тилини ўрганишни киритиш айтиш мумкин бўларди.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

У. ИБОДИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ!

Обод турмуш таянчлари маҳаллада мужассам

Маҳаламизда мингга яқин хонадон, олти минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Биз аҳоли муаммоларини ҳал этишда, аввало, аҳилликка таянамиз. Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли билан ўзаро ҳамкорликда, бир жамоа бўлиб, аҳолини қўйнаётган барча масалаларга ҳамжиҳатликда ечим топамиз.

Маҳаламиз обод маҳаллалардан бири ҳисобланади. Маҳалла марказидан ўтган йўлнинг икки четида «саломатлик» ва «VELO» йўлаклар ташкил этилган. Ҳозирда яна бир километрга яқин «саломатлик» йўлаги, пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган кўприк, ўнга яқин тадбиркорлик объектларини қуриб битказиш арафасида турибмиз.

Иқтисодий масалалар, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар бўйича ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ фуқароларни маҳалланинг ўзида қабул қилиб, уларни касб-хунарга йўналтирмоқда, тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун кўмак бераётир. Бу имкониятдан фойдаланиб, бизнесини йўлга қўйганлар маҳаллада талайгина.

Ёшлар билан ишлашнинг ян-

гича бошқарув тизими — ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши халқимиз кўнглидаги иш бўлди. «Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти» шиори остида фаолият юритаётган етакчи ёшлар балансини мунтазам шакллантириб бориб, уларнинг муаммоларини ўрганиш, янги истеъдодларни қашф қилиш, рағбатлантириш, «Ёшлар дафтари»га кириш учун тавсия бериш баробарида, маҳаллада ватанпарварлик, китобхонликни ўз ўрнида ташкил этмоқда. Бир сўз билан айтганда, ёшлар етакчиси — маҳалладаги ёшлар эгасига айланди.

Сўнги йилларда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиляпти. Уларни ижтимоий-иқтисодий, юридик, психологик қўллаб-қувватлаш — асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу

маънода аёлларга тўғри йўл кўрсатиш учун барчага намуна бўла оладиган, обрўли, илмли аёллардан ташкил топган **ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ** лавозимининг жорий этилиши одилона сиёсатимиз, янги қарашларимиздан дарак беради.

Обрў-эътиборли, ҳурматга сазовор фаоллар ҳамда турли соҳа мутахассисларидан ташкил топган **Маҳалла Кенгаши** аҳолининг рўй бераётган ҳар бир масалани жамоатчилик билан маслаҳатлашган ҳолда ҳал қилиб келмоқда. Сектор раҳбарининг сайёр қабули, «Сектор раҳбари ва ёшлар» учрашувлари шижоатимизга янги куч бермоқда. Ҳар ойда оилавий поликлиника шифокорлари сайёр кўрик ташкил этмоқда, Халқ қабулхонаси вакиллари аҳоли муаммоларини ўрганишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бар-

ча тизим маҳаллада мужассамлашди. Идорага ташриф буюриб, муаммолари ечим топаётган аҳоли учун маҳалла чинаккам нажот қаъласига айланди, десам адашмаган бўламан.



Фазлиддин НУРИДДИНОВ, Олмазор туманидаги «Чилтўғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҲОЛАТ

Адлия вазирлиги лойиҳа бўйича муносабат билдирар экан, давлат хизматчилари фуқаролар ёки бевосита бошқа манфаатдор шахслардан муайян ишни ҳал қилиб бериш ёки келгусидаги манфаатлар учун совға олмайди, бу қонунлар билан тақиқланган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат сафари ва расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға, тақиқланган совғалар, совғанинг қиймати ҳамда уни тасарруф этиш тартибига доир ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилди.



1,5 миллион сўм — қонуний совғами ёки пора?

ҚАШҚАДАРЁГА ХИЗМАТ САФАРИГА БОРАНДА, УНГА ТАНДИР ГЎШТИ СОВҒА ҚИЛИНСА, У БУ ХУДУДДАГИ МАСАЛАЛАРГА ЎНГ КЎЗ БИЛАН ҚАРАЙДИ. УНДАН КЕЙИН СУРХОНДАРЁГА БОРСА-ДА, БИРОҚ ТАНДИР СОВҒА ҚИЛИНМАСА, НИМА БЎЛАДИ?

СОВҒА ҚИЙМАТИ ҚАНЧА БЎЛИШИ КЕРАК?

Таклиф этилаётган Низомга кўра, давлат хизматчилари хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиши мумкин бўлган совға қиймати белгиланмоқда. Яъни давлат фуқаролик хизматининг барча сиёсий гуруҳи, даража ва лавозимдаги шахслари, барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда, **БҲМнинг 5 бараваридан (айни пайтда бу миқдор 1,5 миллион сўмни ташкил қилади)** кўп бўлмаган миқдорда совға олиши мумкин.

Шу билан бирга, давлат хизматчиларига тақдим этилган совға меҳмон (мезбон) томоннинг **рамзлари ёки логотипи туширилган эсдалик совғалар** қиймати учун миқдор белгиланмайди. Бундай совғалар баҳоланмайди, ходим ўз хошишига кўра тасарруф этади. Агар тақдим этилган совғанинг миқдори юқоридаги қийматдан ошган тақдирда, ходим ошган қисмини **давлат ташкилотига тўлаш орқали** совғани тасарруф этиши мумкин бўлади. Ходим ортиқча тўловни тўлашни рад этса, **совға давлат органи балансига ўтказилади.**

ҚАНДАЙ СОВҒАЛАРНИ БЕРИБ БЎЛМАЙДИ?

Лойиҳага кўра, давлат хизматчисига нақд ёки нақдсиз пул, қимматли қоғозлар, криптовалюта, барча турдаги ўқотар ва совуқ қуроллар, ўқ-дорилар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, кучли таъсир этувчи препаратлар, порнографик ва диний экстремистик хусусиятга эга бўлган нашр ҳамда материалларни **совға сифатида қабул қилиш ёки тақдим этиш тақиқланади.**

Ходимларга тақдим этилган **гуллар, озиқ-овқатлар (кондитер маҳсулотлари ва бошқа), ташкилотларнинг канцелярия тўпламлари (тақвимлар,**

буклетлар, ручка, блокнотлар) совға деб қабул қилинмайди ва расмийлаштирилмайди. Шу билан бирга, хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан халқаро делегация раҳбарига тақдим этилган совға қийматидан қатъи назар **давлат органи тасарруфига** ўтказилади. Бунда тақдим этилган совғалар баҳоланмайди ва давлат фуқаролик хизматчиси тасарруфига ўтказилмайди.

ХИЗМАТ САФАРИДА СОВҒА ОЛИШ ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?

Айтиш керакки, лойиҳа кенг муҳокамалар марказида бўлмоқда. Маълумки, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун 10 ноябрь санасидан кучга кирди. Бироқ ундаги барча нормалар шу кундан эътиборан амалга киритилди, дея олмаймиз. Масалан, айнан юқоридаги лойиҳада кўзда тутилган тартиблар шу санага қадар ишлаб чиқилмади.

Ваҳоланки, бу тартибни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ишлаб чиқиб, қонун билан бир вақтда кучга киритилиши керак эди. Тегишли Низом лойиҳаси 7 ноябрь санасидаги жамоатчилик муҳокамасига кўйилди. Муҳокама 22 ноябрга қадар давом этишини ҳисобга олсак, бундан маълум бўляптики, қонуннинг 18-моддаси 10 ноябрь санасидан ишламайди...

Таниқли юрист Саидали Мухторалиев лойиҳага фикр билдирар экан, «Давлат фуқаролик хизматчиси хизмат сафари давомида совға олиши қанчалик тўғри?» деган саволни ўртага ташлайди. Унинг фикрича, лойиҳадаги бу нормаларни ўқиган ҳар қандай киши давлат хизматчиси республиканинг бошқа хуудларига иш бўйича хизмат сафарига борганда, бемалол совға олиши мумкин, деган фикрга боради. Ўзи шундай маъно кўриниб турибди ҳам.

— Халқаро ёки бошқа расмий тадбирларда олинган совғалар масаласини тушунса бўлади, бу

расмий музокара ва дипломатияда ўзига ҳос анъанага айланган, — дейди С.Мухторалиев. — Бироқ хизмат сафарлари давомида давлат фуқаролик хизматчиларига қийматидан қатъий назар совғалар берилишини қонунлаштирилишига умуман йўл қўйиб бўлмайди. Тасаввур қилинг, эртага давлат органи текширувчиси Қашқадарёга хизмат сафарига борганда, унга тандир гўшти совға қилинса, у бу ҳудуддаги масалаларга ўнг кўз билан қарайди. Ундан кейин Сурхондарёга борса-да, бироқ тандир совға қилинмаса, нима бўлади? Бу вилоятга чап кўз билан қарайдимиз? Кўп масалалар совға-саломларга боғланиб қолмайдими? Коррупция баттар кучаймайдими? Йўқ, лойиҳадан бу нормаларни шунчаки чиқариб ташлаш керак.

Ўз навбатида, Адлия вазирлиги лойиҳа бўйича муносабат билдирар экан, давлат хизматчилари фуқаролар ёки бевосита бошқа манфаатдор шахслардан муайян ишни ҳал қилиб бериш ёки келгусидаги манфаатлар учун совға олмайди, бу қонунлар билан тақиқланган. Низом лойиҳаси — давлат фуқаролик хизматчиларига фуқаролардан совға олишига ружсат бермайди! Қолаверса, бу масала бир қатор ривожланган давлатлар томонидан ҳам ҳуқуқий тартибга солинган, хусусан, бир марталик совғанинг қиймати АҚШда 20 доллар, Буюк Британияда 140 фунт стерлинг, Францияда 35 евро, Россия Федерациясида 3 минг рубль этиб белгиланган.

Хуллас, лойиҳа кенг муҳокамалар марказида турибди. Бизнинг-ча ҳам, лойиҳадаги таклифлар яна бир карра пухта ўйланиши керак. Нормалар аниқ белгиланиши зарур. Шу билан бирга, фаоллар билдираётган фикрлар ҳам шунчаки лойиҳа муҳокамасида қолиб кетмаслиги лозим. Бу борада билдирилган ҳар бир фикр қадри.

Иброҳим ПЎЛАТОВ.

НУҚТАМ НАЗАР

Нега Ўзбек тили байрамида дам олмаймиз?

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига ишчи-ходимлар манфаатидан келиб чиқиб киритилган ўзгаришларни таҳлил қилиб, ҳақиқатан ҳам 1995 йилда қабул қилинган амалдаги кодекс мутлақо бугунги кун талабига жавоб бермай қолганига амин бўлдим.

Янги кодексга «қизил» билан белгиланган байрамлар дам олиш кунига тўғри келиб қолса, уни бошқа иш кунига кўчириш қонунда киритилгани кўпчилик учун кутилмаган янгилик бўлди. Амалдаги кодексга кўра, байрам қайси кунга тўғри келса, ўша куни нишонланар, бошқа иш кунига кўчириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди.

Бу янгилик юртимизда ИНСОН ҚАДРИ улуғланаётганидан далолатдир.

Меҳнат кодексига Ўзбекистонда 9 та байрам дам олинган кун сифатида белгиланган. Булар:

1 январь — Янги йил;

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни;

21 март — Наврўзи олам;

9 май — Хотира ва қадрлаш куни;

1 сентябрь — Мустақиллик куни;

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;

8 декабрь — Конституция қабул қилинган кун ҳамда **Рўза ва Курбон ҳайити** байрамлари.

«Календар»да байрамларимиз кўп бўлса-да, лекин хорижий давлатларникига қараганда «қизил»лари анча кам экан, ҳатто кўшнилариимиздан ҳам.

Мисол учун, 21 октябрь — Она тилимизга Давлат тили мақоми берилган кунни МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ сифатида яқинда кенг нишонладик. Ушбу санани «Ўзбек тили байрами куни» сифатида кенг нишонлаш бўйича қонун қабул қилинган. Лекин дам олиш куни эмас.

Давлат тилимиз халқимизнинг дунёда борлигини кўрсатувчи ҳаёт-мамот масаласи экан, нима учун 21 октябрни дам олинган байрамлар қаторига қўшиш мумкин эмас?

Ҳатто дам олинган байрамларга давлатимиз мустақиллиги рамзлари — **Герб, Байроқ ва Мадҳиямиз қабул қилинган саналарни кўшишга ҳеч ким қаршилиқ қилмаса керак.**


Бу бугун давлатлар чегараларига, хавфсизлигига, мустақиллигига бўлган хатарлар борган сари кучаяётган бир пайтда муҳим эмасми? Қолаверса, халқимизнинг бу байрамларга бўлган муносабати ўзгаради, ватанпарварлигини оширади. Энг ачинарлиси, кўпчилик бу саналарни эсламаслиги, билмаслиги айти ҳақиқат.

Дунёда барча мамлакатлар ўз расмий байрамларига эга. Камбоджа энг кўп расмий дам олиш кунига эга давлат ҳисобланар экан. Улар 28 та байрамда дам олади. Шри-Ланкада таътил берилган байрамлар сони 25 та, кўп миллатли Ҳиндистонда расмий дам олиш кунлари 21 тани ташкил қилади. Кейинги ўринларни Қозғистон (21 та), Колумбия, Филиппин (18 тадан), Хитой (17 тадан) ва Туркия (16 та) эгаллаган.

Жаҳонгир ЗИЯЕВ.

ТАДҚИҚОТ

Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг 15,4 фоизи — ўртача ва ўта оғир безовталиқ ҳамда 9,8 фоизи — депрессиядан қийналмоқда. Уларнинг орасида ота-онаси уйдан камида бир ой узоқда яшаган ўқувчилар, қолаверса, ишлаётган мактаб ўқувчилари ва қизлар улуши кўп.



Ўзбекистонлик ўқувчиларнинг 9,8 фоизи депрессиядан қийналади

БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ўсмирларнинг психологик саломатлигига оид Ўзбекистон тарихидаги илк тадқиқот натижаларини эълон қилди. Тадқиқот ўспиринларнинг эҳтиёжлари, уларнинг руҳий саломатлиги ва руҳий-ижтимоий фаровонлигига таъсир қилувчи мактаб билан боғлиқ омилларни яхшироқ тушуниш мақсадида март-май ойларида ўтказилган. Тадқиқотда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги 299 та мактабнинг 6-, 9- ва 11-синфларида таълим олувчи 22 854 нафар ўқувчи иштирок этди.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚИЙИН ВАЗИЯТЛАРДА ИШОНЧЛИ ВАКИЛ СИФАТИДА ЁРДАМ СЎРАШ УЧУН ДАСТЛАБ ОТА-ОНАСИНИ (77 ФОИЗ), КЕЙИН ДЎСТЛАРИНИ (55 ФОИЗ) ВА БОШҚА ҚАРИНДОШЛАРИНИ (21 ФОИЗ) КЎРСАТДИ. УШБУ РЎЙХАТДА МАКТАБ ПСИХОЛОГЛАРИ ОХИРГИ ЎРИННИ ЭГ АЛЛАДИ

Ўсмирлик даври катта имкониятларни очиб беради ва шу билан бирга, руҳий саломатлик ва фаровонлик билан боғлиқ хавфларнинг ортиши туфайли алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу ўсмир ёшдаги болаларнинг ўрганиш, қарорлар қабул қилиш ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига таъсир қилади. Хўш, ўсмирлар руҳий саломатлиги нималарни кўрсатди? Уларни қийнаётган ва ўйлантираётган муаммолар нималардан иборат? Ечими бўйича қандай таклифлар бериш мумкин?

10 ФОИЗ ЎСМИР МАКТАБ ВА ДЎСТЛИК ТАЖРИБАСИДАН ҚОНИҚМАЙДИ

Тадқиқот ўсмирларнинг руҳий саломатлигига таъсир қилувчи асосий ҳимоя ва хавф омилларини аниқлади. Шунингдек, ўқувчилар ва ота-оналардан ёрдам сўрашда энг кўп тарқалган тўсиқлар — тортинчоғлик, қолаверса, руҳий саломатлик масалалари бўйича жамоатчилик ресурсларининг етишмовчилиги мавжудлиги маълум бўлди.

Халқ таълими вазирлиги ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис марказининг директори **Лилия Гайнутдиновани** қайд этишича, мактаблар академик таълим тузилмалари бўлибгина қолмай, кўплаб ўспиринлар энг кўп вақтини ўтказадиган жойдир. Бинобарин, мактаблар ҳимоя қилувчи, қолаверса, ўсмирларнинг руҳий саломатлигига таъсир қилиши мумкин

бўлган хавф омиллари бири. Ҳисоб-китобларга кўра, дунё бўйича 10 ёшдан 19 ёшгача бўлган ҳар 7 нафар ўсмирдан бири руҳият бузилишларидан азият чекади, уларнинг орасида безовталиқ ва руҳий тушкунлик (депрессия) етакчилик қилади.

Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, **ўқувчиларнинг 15,4 фоизи — ўртача ва ўта оғир безовталиқ ҳамда 9,8 фоизи — депрессиядан қийналмоқда.** Уларнинг орасида ота-онаси уйдан камида бир ой узоқда яшаган ўқувчилар, қолаверса, ишлаётган мактаб ўқувчилари ва қизлар улуши кўп. Ишлайдиганлар ўсмирларнинг 5 фоизини ташкил этди. Бу тенденция 11-синфлар орасида кўпроқ намоён бўлди.

Ақсарият ўсмирлар фикрича, оиласидаги муносабатлари қониқарли, бироқ уларнинг деярли 9 фоизи мактаб ёки

дўстлик билан боғлиқ масалаларда оиласи томонидан ёрдамни ҳис қилмаган. Мос равишда гарчи ўсмирларнинг кўпчилиги ҳаётнинг турли жабҳаларида (яшаш жойи, оиласи, ўзлари) қониқиб ҳис қилса-да, 10 фоиз ўсмир ёшидагилар мактаб ва дўстлик тажрибасидан қониқмайди.

Ўқувчиларнинг 85 фоиздан 89 фоизгача бўлган қисми ўқитувчилари ва улар билан мулоқот ҳақида ижобий фикр билдирди. Мактаб ўқувчилари қийин вазиятларда ишончли вакил сифатида ёрдам сўраш учун дастлаб ота-онасини (77 фоиз), кейин дўстларини (55 фоиз) ва бошқа қариндошларини (21 фоиз) кўрсатди. Ушбу рўйхатда мактаб психологлари охириги ўринни эгаллади: ўғил ва қиз болаларнинг атиги 17 фоизи уларга ёрдам сўраб мурожаат қилишини айтди.

Ўсмир ўғил ва қизларнинг 18 фоизи ўз мактабларида ўқувчилар тез-тез жанжаллашади, деб билади, 13 фоизи эса миллати, оилавий иқтисодий аҳволи ёки бошқа сабабларга кўра масҳара қилинади, деб ҳисоблайди. Умуман олганда, ўқувчиларнинг хавфли, шафқатсиз ва камситувчи хатти-ҳаракатлари туфайли мактаб хавфсиз эмас, деб ҳисоблайдиганлар ҳам кам эмас.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, **COVID-19 пандемияси ва ўзини изоляция қилиш ўспиринларни янада ёлғизлантирди**

ҳамда улар ўзининг ва оила аъзоларининг соғлиги ҳақида кўпроқ қайғура бошлади. Шунга қарамай, пандемиянинг умумий тажрибаси ҳам ижобий, ҳам салбий бўлди.

— **Мамлакат аҳолисининг юқори миграцияси омили болаларнинг психологик саломатлиги ва фаровонлигига таъсир этади, — дейди Лилия Гайнутдинова.** — Кўпчилик катта ёшдагилар ишлашга кетишади ва фарзандларини қариндошлари билан қолдиришади. Ота-она қўлида тарбияланган бошқа, амаки ёки холаники умуман бошқа. Бу болаларга қаттиқ таъсир қилади. Қолаверса, ижтимоий тармоқлар болалар руҳиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Ота-оналар кўпинча фарзандининг телефонда нима қилаётганига қарамайди ва болалар унга қанчалик қарам бўлиб қолганини ҳам сезишмайди.

МАКТАБ ВА МАҲАЛЛА ҲАМҚОРЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЗАРУР

Сўров иштирокчилари уларнинг руҳий саломатлиги ва руҳий-ижтимоий фаровонлигини яхшилаши мумкин бўлган ҳимоя омилларини санаб ўтди. Улардан асосийлари — ижобий оилавий муносабатлар, сифатли дўстлик ва ижтимоий алоқалар, инклюзив ҳамда қўллаб-қувватловчи ўқитувчилар, ўқитувчилар ва ўқувчилар нисбати ва замонавий ўқитиш усуллари нуқтаи назаридан яхши мактаб шароитлари, шунингдек, дарсдан ташқари машғулотларда қатнашишдан иборат.

Энг кенг тарқалган хавф омиллари — оиладаги можаро ёки зўравонлик, оилавий муҳитда умумий мулоқот ва ўзаро тушунишнинг етишмовчилиги, дўстлар етишмовчилиги ёки юзаки дўстлик алоқалари, қўллаб-қувватламайдиган ўқитувчилар, академик босим, кўрқитиш, мактабнинг ёмон шароитлари, экран олдида ортиқча ўтказилган вақт, камбағаллик ва ота-оналар миграцияси.

Ҳисоботда мактаблардаги руҳий саломатлик тадбирлари, шунингдек, бошқа тармоқлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича тавсиялар келтирилган. Жумладан:

- ўсмирлар ва ота-оналар учун оғоҳ бўлишга ундайдиган ҳолатлар, хавф ва ҳимоя омиллари тўғрисида билимларни ошириш учун **мактабларда руҳий саломатлик тўғрисида хабардорликни ошириш** лозим;
- руҳий саломатлик саводхонлиги бўйича **ўқув дастури**ни ишлаб чиқиш керак;
- **мактаб психологлари**нинг салоҳиятини ва маслаҳат бериш усуллари янгилаш бўйича малакасини оширишга эҳтиёж бор;
- руҳий саломатлик хизматларини кўрсатиш учун илмий асосланган **мақсадли дастурларга сармоя ажратиш** зарур;
- қулай **оилавий муҳитни яратишга** кўмаклашиш даркор;
- **мактаблар билан маҳаллаларнинг ҳамкорлигини** янада кенгайтириш лозим.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ тайёрлади.

БУ МУҲИМ: ўқувчиларнинг 10 фоиздан ортиғи ижтимоий алоқанинг етишмовчилиги ва изоляцияни бошдан кечирмоқда: ҳар 10 нафардан бири (8,7 фоиз) ўзининг мактаби билан алоқани ҳис қилмайди, ундан ҳам кўпроғи (13,1 фоиз) мактабнинг бир қисми ҳам бўлмаган ёки синфда (16,7 фоиз) ўзини ёлғиз ҳис қилган. Бу уларнинг тенгдошлари ҳақидаги умумий тасаввурлари ва бир-бири билан қандай муносабатда бўлиши эканига мос келмоқда.


ТАБИАТ ВА БИЗ

Чумчуқлар ин қуришга қулай жой тополмай, бошқа ерларга кўчишни бошлаган. Ўз қўлимиз билан чумчуқларнинг кетишига ва ҳавомизнинг ифлосланишига шароит яратмоқдамиз. Эртага фарзандларимиз тоза бўлмаган ҳаводан нафас олмаслигига ва Хитойдаги чумчуқлар қирғинидан кийинги ҳолатга тушмаслигимизга ким қафолат беради?

Чумчуқлар чуғурлашиб Тошкентни тарк этяпти

**БАЛКИ ДАРАХТКЕСАРЛИКНИ ТЎХТАТИБ, ХАТОЛАРНИ ҚАЙТАРМАСДАН
ЮРТИМИЗНИНГ ЯШИЛЛИККА БУРКЕНИШИ УЧУН БИРЛАШАРМИЗ.
ЧУМЧУҚЛАРНИ ШАҲАРГА ҚАЙТАРАРМИЗ... АХИР «ТОШКЕНТНИНГ ДОНИНИ ЕГАН
ЧУМЧУҚ МАККАДАН ҚАЙТИБ КЕЛАДИ», ДЕГАН ЭСКИ НАҚЛ БОР...**

Ёшлигимизда эрта тонгда айвонимизда ин қурган чумчуқларнинг «чуғур-чуғур»идан уйғонардик. Айвонимиз очик бўлгани сабабли улар ҳар мавсумда келиб, шифтимиздаги қамишлар орасига ин қуришарди. Уларни на ҳайдаб ва на уясини беркитиб кетгизиб бўларди.



Чумчуқлар нафақат бизни уйқудан эрта уйғотарди, балки ҳовлимизда учрайдиган зараркунанда ҳашоратларни битта қолдирмай йўқ қиларди. Ҳашоратлар бир ёқда тура турсин, ҳатто захри ўта кучли бўлган арилари (Афғон арини биз шунақа атардик) умуман учратмасдик. Эрта тонгдан «чуғур-чуғур»лашиб одамнинг кайфиятига қандайдир таъсир қиларди. Бироқ бугун негадир уларнинг овози эшитилмайдиган, ҳатто чумчуқларнинг ўзига кўзимиз тушмайдиган бўлиб қолди. Шаҳримизни-ку қўятуринг, ҳатто киш-локларда аввалгидек чумчуқлар галасини учратиш амримаҳол. Хўш, нега чумчуқлар кўринмай қолди? Нега аввалгидек уларнинг «чуғур-чуғур»ини эшитмаяпмиз? Ёки чумчуқлар юртимизни тарк этишига ҳавомизнинг ифлосланиши, иқлим ўзгариши сабабми?

— Иқлим ўзгариши турли биотурлар, хусусан, фауна оламида қушлар ва ҳайвонларнинг популяция ва миграциясида ўзгаришларни олиб келади ва бу табиат қонуни, — дейди **Гидрометеорологик илмий таҳлиллар, об-ҳаво прогнозлари, тадқиқотлар билан шуғулланувчи докторант Эркин Абдулаҳатов**. — Эътибор берган бўлсангиз, пойтахт кўчалари ва дарахт шохларида аллақачон чумчуқларга кўзимиз тушмай қўйди. Ҳа, чумчуқлар пойтахтда йўқ бўлиб қолди. Аммо бу қушлар шаҳарда иқлим ўзгариши туфайли йўқ бўлмади. Уларнинг яшаш маконлари ўрнини балад-балад ноқулай бинолар эгаллагани, шовқин шаҳар ва ин қуриш учун дарахтларни йўқ қилганимиз учун шаҳарни тарк этишди.

Дарҳақиқат, бир неча йиллик улкан дарахтлар чумчуқларнинг ин қуриши учун қулай эди. Бундан бир неча йиллар аввал шаҳримизни тоза ҳаво билан таминлайдиган катта-катта дарахтлар шунчаки кесилиб, ўрнида бинолар қурилган. Чумчуқлар ин қуришга қулай жой тополмай, бошқа ерларга кўчишни бошлаган. Ўз қўлимиз билан чумчуқларнинг кетишига ва ҳавомизнинг ифлосланишига шароит яратмоқдамиз. Эртага фарзандларимиз тоза бўлмаган ҳаводан нафас олмаслигига ва Хитойдаги чумчуқлар қирғинидан кийинги ҳолатга тушмаслигимизга ким қафолат беради? Шу ўринда Хитойда юз берган ҳолатни ёдга олсак.

Бундан 64 йил олдин Хитойда далалардаги буғдой ҳосилини асраш учун мамлакат раҳбарининг буйруғи билан чумчуқларга қарши кураш бошланади. Мамлакат бўйлаб чумчуқларни йўқ қилиш бўйича эълон берилади ва энг аввал деҳқонлар ишга киришади. Хитойнинг барча ҳудудларида чумчуқларга қирон келтириш бошланади. Ҳукумат барчани шу ишга жалб қилиб, чумчуқ ўлдириш бўйича режа белгилайди. Бюджет ташкилотларида ишловчилар, деҳқонлар, ҳарбий хизматчилар, мактаб ўқувчилари ва талабалар, ҳамма шу ишга жалб қилинади.

Чумчуқлар табиатан ҳавода 15 минутдан ортиқ парвоз қила олмайди. Бу унга қарши курашаётганларга қўл келади. Одамлар чумчуқларни чарчатиш учун дўмбиралар ва бошқа кучли овоз чиқарувчи мосламалар билан қуролланиб олишади. Балад

овозлар ва шовқин-сурон билан қўрқитилган қушлар қўна олмай қулаб туша бошлайди. Одамлар эса уларни қопларга солиб, махсус пунктларга олиб бориб топширишади.

Чумчуқ ови бошлангач, икки ой ичида биргина Пекин ва Шанхай шаҳарларида қарийб 1 миллион донна чумчуқ ўлдирилади. Бутун Хитой бўйлаб қарийб 2 миллиард донна чумчуқ йўқ қилинади. Мамлакатдаги қарийб барча чумчуқ йўқ қилингач, табиатдаги мувозанат бузилади. 1959 йилнинг баҳорида ҳамма жойни шиллиқ қурт ва чигирткалар босиб кетади. Улар йўлида учраган нарсани кемириб кетаверади, шу жумладан, кўм-кўк бўлиб ўсиб турган буғдойни ҳам. Уларга қарши ҳеч қандай чора кўришнинг иложи йўқ, уларнинг қушандаси бўлган чумчуқлар эса қириб битирилган эди.

Хўш, энди йўлаб кўринг, биз улар каби чумчуқларга қирон келтираётганимиз йўқ. Аммо шаҳримизда дарахтларнинг аёвсиз кесилиши ва кўп қаватли биноларнинг қад ростлаши чумчуқларнинг юртимизни тарк этишига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда савол туғилади: чумчуқларни энди учратмасак, Хитойда юз берган ҳолат бизда ҳам юз бермасмикан?

Балки дарахткесарликни тўхтатиб, хатоларни қайтармасдан юртимизнинг яшилликка бурканиши учун бирлашармиз... Чумчуқларни шаҳарга қайтарармиз...

Ахир «Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади», деган эски нақл бор...

Мансурбек ЖАББОРОВ.

НУҚТАМ НАЗАР



Медиацция тизими нега керак?

Юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган. Бу жараёнда медиацция тизими жорий этилиб, у низоларни ҳал қилишнинг бошқа усуллари, хусусан, суд тартибида ҳал қилишдан ўзининг бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради.

Медиацция доирасидаги барча қарорлар фақат тарафларнинг ўзаро розилиги асосида қабул қилинади. Судларда ишларнинг кўплиги ва ишларни кўриб чиқиш муддати ойлаб чўзилгани туфайли медиацция орқали низоларни ҳал этиш вақтнинг тежалишига олиб келади. Юридик ёрдам олишга сарфланадиган харажатлар суд жараёнининг давом этиш муддати билан узвий боғлиқ бўлгани туфайли низоларнинг тезкорлик билан ҳал қилиниши медиацциянинг тежамкорлигини билдиради.

Қолаверса, медиацция ўзгарувчан жараён ҳисобланиб, тарафлар низони кўриб чиқишни ўз хоҳишига кўра тартибга солишлари мумкин, уларга муаммони муҳокама этиш учун эркин шароит яратилади. Шу билан бирга, медиацциянинг ўзи тарафларга низони ҳал қилиш йўлини топишга ёрдам беради. Медиацция давомида барча қарорлар тарафларнинг икки томонлама келишувига кўра қабул қилинади ва иккала тараф қарорларни ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини олади.

Энг асосийси, низоларни ҳал қилишда медиаццияни қўллашнинг кенг жорий этилиши судлар учун фойдадан холи бўлмайди. Зеро, иш ҳажмининг норéal даражада кўплиги барча давлатлар судлари учун умумий муаммо ҳисобланади. Низоларни медиацция воситасида ҳал қилиш судлар иш ҳажмининг сезиларли даражада камайишига олиб келади. Буни халқаро тажриба исботлаган. Хусусан, Деҳли ва Бангалор медиацция марказлари ташкил этилиши натижасида судлар иш юритувида бўлган ишларнинг 1/3 қисмини медиацция тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда кўриб чиқди.

Мамлакатимизда медиаторнинг фаолияти профессионал ва непрофессионал асосда ташкил этилади. «Медиацция тўғрисида»ги қонунга кўра, профессионал медиатор сифатида, биринчидан, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, иккинчидан, Профессional медиаторлар реестрига киритилган шахслар фаолият кўрсатиши мумкин. Непрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин.

Профессional медиаторлар реестри ҳудудий адлия бошқармалари томонидан юритилади. Шахсни Профессional медиаторлар рўйхатида киритиш тартибининг соддалиги медиаторлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ёрқин намунаси. Хусусан, бунда махсус ўқув курсини тугатган шахс доимий яшаш жойидаги адлия органига ҳужжатларни тақдим этиши кифоя.

Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш — медиацция амалиёти Ўзбекистон ҳуқуқ амалиёти учун янги атама. Бироқ икки томонни муроасага келтириш, бунда уларнинг бирига ён босмаслик, ўзаро келиштириш тажрибаси биз учун янгилик эмас. Бу ишлар билан шу пайтга қадар маҳалла, кенг жамоатчилик шуғулланиб келган. Унга ҳуқуқий мақом берилиши ва амалиётга жорий этилиши низоларни судгача ҳал этиш имконини беради.

Рашид ҚУРБОНОВ,
Нишон туманида хусусий амалиёт
билан шуғулланувчи нотариус.

Парманқулова Наргиза Хатамқуловнага Тошкент Педиатрия тиббиёт институти томонидан 2003 йил 26 июнда берилган В №107734-рақамли бакалавр дипломи йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУЛОҲАЗА

Байрамларда, айниқса, тўйларда дастурхонга қўйиладиган алкоголь маҳсулотларига чеклов ўрнатиш, ичимликлар миқдорини камайтириш, қоидабузарларга нисбатан шафқатсиз чоралар кўриш лозим. Қишлоқ жойларда яширин дўкончаларда алкоголь ичимликларини ноқонуний сотилишни амалда бутунлай йўқотиш лозим.

Ичкилик ортидан ҳар 10 сонияда бир киши ҳалок бўлмоқда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ичкилик ортидан йилига 3 миллион киши, ҳар 10 сонияда эса бир киши ҳалок бўлмоқда. Бевақт ўлимларнинг 5 фоизи ичкиликка ружу қўйиш натижасида келиб чиқади. Энг ачинарлиси, ана шу аянчли қисмат эгаларининг қарийб 14 фоизини 20-39 ёш оралиғидаги инсонлар ташкил этмоқда. Спиртли ичимликлар ёшларнинг нафақат соғлиғи, ҳаёти ва оиласига, балки бутун жамиятга таҳдид солаётир. Шунга қарамай, уларнинг савдоси устидан ўрнатилган назорат бошқа психотроп моддаларга нисбатан анча заиф.



НЕГА БИЗДА АРОҚ ИЧГАНЛАРГА НИСБАТАН ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМАЙДИ? НЕГА АЛКОГОЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИГА ЧЕКЛОВЛАР АМАЛДА МАВЖУД ЭМАС?

РЕКЛАМА ҚИЛИНМАЙДИ, АММО БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Дарҳақиқат, ароқ савдосига қонунда бир қанча чекловлар киритилган, лекин бу қонунларнинг барчаси фақат қоғозда экани кишини таажжубга солади. «Реклама тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, мамлакатимизда ҳар қандай қувватдаги алкогольли ичимликлар рекламаси тақиқланган.

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Бироқ бозору дўконларда «оқ ажал»нинг ҳеч қандай чекловларсиз сотилаётганига гувоҳ бўламиз. Алкоголь сотиладиган дўконларни ичкиликбозлар доимий манзил қилиб олгани одамни ўйга солади.

Дўконлардаги ичкиликбозликни-ку қўятуринг, тўйлардаги ҳолатни кўриб, одам ёқа ушлайди. Текинлиги учунми, тўй эгасининг ҳурмати қанча ароқ қўйгани ва қанча ичилганига боғлиқ бўлиб кетганми, хуллас, ичкиликбозлик шу даражада бўладики, «хурмача»лар тўлиб, ёрилиб кетганига ҳам қаралмайди. Ичкиликбозлик

сабаб тўй вақтида ва ундан кийинги «томоша»ларни айтмайсизми? Ёшлари бир жойга бориб қолган отахонлардан тортиб, ёш-ёш йигитлар кўз қоқмасдан сипқоради...

Буларни кўрган ёш авлод эртага «катталар ичишди-ку, биз ҳам ичсак бўлаверади», дея уларнинг қилаётганини такрорламаслигига ким кафолат беради? Катталар номусини қўшиб ичиб юборгандан кейин кичиклардан нимани кутиш мумкин? Ахир халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ ЯНГИЧА УСУЛ

Жорий йил октябрь ойдан бошлаб, Уэльсда спиртли ичимликлар таъсирида жиноят содир этганлар маълум вақт мобайнида спиртли ичимлик истеъмол қилиши тақиқланиб, махсус «хушёрлик ёрлиғи» тақиб юриши мажбурий этиб белгиланар экан.

Ёрликлар ҳар 30 дақиқада маҳкумдан ажралиб чиқаётган тер таркибидан унинг алкоголь истеъмол қилган-қилмаганини аниқлаб, бу ҳақда текширувлар марказига хабар

жўнатади. Агар маҳкум белгиланган муддатда спиртли ичимлик ичгани аниқланса, суд ёки ваколатли органлар томонидан унга берилган жазо муддати узайтирилади. Алкоголга жиддий боғланиб қолган кишиларга нисбатан мажбурий даволаш ишлари олиб борилади.

Қувайтда меҳмонларга ҳам, ўз аҳолисига ҳам жамоат жойларида спиртли ичимлик ичиш тақиқланган. Алкоголь маҳсулотларини сотиш тартибга солиниб, маълум жойлардагина уларнинг савдосига рухсат берилган. Мамлакатда маст ҳолда рулга ўтирганларга нисбатан қамоқ жазоси қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Ливияда аҳолига, ҳатто туристларга ичкилик ичиш тақиқланган. Бу ерда спиртли ичимликни ишлаб чиқариш ва сотиш ёки истеъмол қилганларга қамоқ жазоси қўлланилади.

Шу ўринда савол туғилади: нега бизда ароқ ичганларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмайди? Нега алкоголь маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишига чекловлар амалда мавжуд эмас?

Одамларни ва ўсиб келаётган ёшларни «оқ ажал»нинг домига

тушиб қолишдан сақлаш учун мамлакатимизда чет элдагидек алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш ва ишлаб чиқаришдаги қонунларни кучайтириш керак. Масалан, байрамларда, айниқса, тўйларда дастурхонга қўйиладиган алкоголь маҳсулотларига чеклов ўрнатиш, ичимликлар миқдорини камайтириш, қоидабузарларга нисбатан шафқатсиз чоралар кўриш лозим. Қишлоқ жойларда яширин дўкончаларда алкоголь ичимликларини ноқонуний сотилишни амалда бутунлай йўқотиш лозим.

Ёшларнинг бу иллатга илакишиб қолмаслиги учун мактаб даврида ноқон алкоголь маҳсулотларининг зарарли оқибатлари ҳақида тушунчалар бериб борилса, оилада катталар фарзандлари ёнида ароқ, ичиб, уларга ўрнак бўлиш ўрнига, ичмасликка чорласалар, қанчадан-қанча инсонларнинг ўзлигини йўқотиши, оилалар бузилишининг олди олинган бўлар эди, назаримда.

Сиз нима дейсиз, азиз маҳалладош?

М. ЖАББОРОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Мастлик ҳолатидаги шахслар учун тиббий пунктлар ташкил қилинади

Ҳукумат қарори билан «Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.



Низомга кўра, мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида **камида 10 ўринли** туманлараро тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари ташкил қилинади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига **жамоат жойларида** (яшаш жойидан олиб бориш бундан мустасно) мастлик ҳолатидаги шахсларни олиб бориш учун **қуйидаги мезонлар** асос бўлади:

- шахснинг мақсадли ҳаракатлар содир этиш ёки ўзи мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотгани (бирор жойда ётган ёки ўтирган ҳолати);
- шахснинг **уйқучанлиги**, уйқотишнинг

қийинлиги;

- шахснинг **тикка ҳолатда** мустақил тура олмаслиги;
- **нутқининг ноаниқ**, тушунарсиз, ўзаро боғлиқ бўлмаган узук-юлуқ алоҳида сўзлардан ташкил топиши (ғулдираши);
- саволларни яхши тушунмаслиги, **ўзининг қаердалигини** аниқ англаб етмаслиги.

Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида **12 соатгача бўлганда** далолатнома, 12 соатдан кўп вақт бўлганда ва тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда **касаллик тарихи** расмийлаштирилади. Уларни сутканинг **туғни вақтида** (соат 23:00 дан 06:00 гача) ёки **йилнинг совуқ даврида** чиқариш юбориш уларнинг қариндошлари кузатувида амалга оширилади.

НУҚТАИ НАЗАР

3-4 нафар эгизак туғилиши оила учун фавқулдда ҳолат. Масалан, оила тўртинчи ё бешинчи фарзандини режалаштириб дунёга келтиради. Қандайдир ҳисоб-китоб бўлади. Лекин уйга бирваракайига тўрт чақалоқ келишини УТТ текширувидагина билади. Бу инсон ихтиёридан ташқаридаги ҳолат.

Эгизаклар ижтимоий ҳимояси кучайтирилиши керак

Дунёдаги ҳолатни билмадиму, лекин Ўзбекистонда эгизаклар туғилиши кўпаймоқда. Уч эгизак туғилгани ҳақидаги хабарлардан ҳайратланмай қўйдик, чунки бизда тўрт эгизак туғилиши камёб ҳолат бўлмай қолди. Давлат статистика кўмитасидан эгизаклар статистикасини сўраганим, улар берган маълумотга кўра, 2022 йилда Жиззах ва Қашқадарёда, ҳатто беш эгизаклар туғилган экан, фақат чақалоқлар яшаб кетмагани учун алоҳида хабар берилмаган, шекилли.



УЧ ЁКИ ТЎРТ НАФАР ЭГИЗАКЛАР ТУҒИЛИШНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИГА АЛОҲИДА БАНД ҚИЛИБ КИРИТИШ ВАҚТИ ЕТГАНДИР, БАЛКИ. ИСМИГА ЁКИ ШОВ-ШУВИГА ҚАРАБ КИМГАДИР МАШИНА БЕРИЛИШИ ЭМАС, КАФОЛАТЛАНГАН ДОИМИЙ ЁРДАМ БЎЛИШИ КЕРАК БУ

Йиллар кесимида тирик туғилган уч нафар эгизак болалар сони куйидагича:

- 2010 йилда – 103 нафар;
- 2011 йилда – 106 нафар;
- 2012 йилда – 166 нафар;
- 2013 йилда – 143 нафар;
- 2014 йилда – 177 нафар;
- 2015 йилда – 206 нафар;
- 2016 йилда – 244 нафар;
- 2017 йилда – 263 нафар;
- 2018 йилда – 346 нафар;
- 2019 йилда – 381 нафар;
- 2020 йилда – 430 нафар.

Масалан, 2022 йилнинг ўзида 5 ноябрга қадар ОАВда тўрт эгизаклар туғилиши билан боғлиқ камиди 5 та ҳолатни ўқидим — тўрттаси Тошкентда ва биттаси Самарқандда. Статистика кўмитаси маълумотига кўра, Хоразмда битта шундай ҳолат қайд этилган. Самарқандда туғилган тўрт эгизак ҳақидаги хабарда туғруқ оғир кечгани, кесарча усули қўллангани ва аёлдаги бир даста касалликлар айтиб ўтилган: «Презклампсиянинг оғир даражаси. Сурункали пиелонефритнинг хуруж даври. Резус манфий қон. Кўп сувлилик. Анемиянинг оғир даражаси».

Қон босими, буйрак билан боғлиқ касалликлар кўпчилик ҳомиладорларда кузатилади. Лекин анемияни оғир дара-

жагача етказиш жуда ёмон ҳолат. Анемиянинг оғир даражасида гемоглабин 70 г/л дан паст бўлади. Бу эса ҳомилага кислород кам етиб боради, ривожланиши, айниқса мия ривожланиши суст кечади, дегани. Бу ҳолатда муддатидан олдин туғруқ бошланиши мумкин.

Анемиянинг оғир даражасида табиий туғруқ ҳам, кесарча усули ҳам аёл ҳаёти учун хавфли. Хуллас, ҳомиладор аёлда оғир даражадаги камқонлик бўлса, она ва болаларнинг ҳаёти хавф остида қолади. Тиббиёт ходимлари яна бошқа кўп асоратларни санайди. Менинг билганларим шулар. Вазият қанчалик мураккаб эканини яхшироқ тушуниш учун майдалаб ёзишга ҳаракат қилдим.

Бу ҳали бола туғилгунича бўлган ҳолат. Камқон она уйга чиққандан кейин тўрт чақалоққа қараши, тўйдириши керак. Она сути етмаслиги аниқ. Эгизак чақалоқларнинг вазни кам бўлади. Уларга кам вазни чақалоқларга мўлжалланган махсус озуқа олиш керак. Бунақаси анчагина қиммат. Ҳали олдинда аёлнинг тикланиши учун дори-дармон, яхши парвариш, болалар учун таглик ва яна бошқа зарур нарсалар бор.

Шуларни ўйладиму, майли, икки эмас, уч ёки тўрт нафар эгизаклар учун қандайдир алоҳида имтиёз бормикан, деб қонунчиликни роса титкиладим. Ҳеч нарса тополмадим.

3-4 нафар эгизак туғилиши оила учун фавқулдда ҳолат. Масалан, оила тўртинчи ё бешинчи фарзандини режалаштириб дунёга келтиради. Қандайдир ҳисоб-китоб бўлади. Лекин уйга бирваракайига тўрт чақалоқ келишини УТТ текширувидагина билади. Бу инсон ихтиёридан ташқаридаги ҳолат.

Уч ёки тўрт нафар эгизаклар туғилишини ижтимоий ҳимоя тизимига алоҳида банд қилиб киритиш вақти етгандир, балки. Исмига ёки шов-шувига қараб кимгадир машина берилиши эмас, кафолатланган доимий ёрдам бўлиши керак бу.

Масалан, ҳомиладор аёл 12 ҳафталиккача яшаш жойидаги поликлиника ҳисобига киритилиши керак. Бу вақтда ҳомидалар сони аниқ билинади. Ижтимоий ҳимоя шу ердан бошланса — керакли вита-

мин-дорилари текин берилса, балки зарур озиқ-овқатларгагина ўтадиган талон-карта ҳам берилиши мақсадга мувофиқдир. Токи анемия оғир даражагача етиб бормасин. Болалар туғилгандан кейин озуқа текин берилса ёки нафақа ажратилса — номига эмас, дўкондаги нарх-навога мос равишда. Шу карталар қайсидир рағбарнинг қариндошларига тегишли дўконларгагина ўтса ҳам майли.

Уч ёки тўрт нафар эгизаклар учун бюджетдан алоҳида пул ажратилиши ҳеч кимни қашшоқлаштириб қўймаса керак.

Тушунаман, ҳамма чақалоқлар учун шундай имтиёз имкони йўқдир, аммо алоҳида ҳолат бўлган — уч ёки тўрт нафар эгизакларга бу ёрдам жудаям зарур. Буни самарқандлик тўрт эгизак туққан аёл билан учрашувда ўзини «ҳамма ўзбекистонлик аёлларнинг опаси» дея таъништирган Сенатимиз раиси Танзила опа Норбоева бошлиқ қонун ижодкорларимиз ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Дилроз АБРАЕВА,
журналист.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Кўп болали оилаларга қандай имтиёз берилади?

Белгиланган тартибга кўра:

☑ боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар ер солигини тўлашдан озод этилади;

☑ уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганлари кўп квартиралар уйлари имтиёзли кредитлар асосида, қолаверса, арзон уй-жойлардан уй (квартира) олиши мумкин;

☑ тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан молиявий ёрдамлар кўрсатилади;

☑ кўп болали оилаларнинг фарзандлари замонавий ягона мактаб формаси, асосий турдаги ўқув қуроллар, бадий китоблар билан таъминланади. Давлат боғчаларига қабул қилиш бўйича имтиёзли рўйхатга киритилади. Мазкур оила фарзандлари учун болалар газета ва журналларига обуна қилишда имтиёзлар мавжуд. Улар учун республика оромгоҳларида дам олиш ташкил этилиб, республика бўйлаб саёҳатга бориш ва келиш харажатларини қопланади;

☑ ота-оналар учун иш ўринларининг энг кам сони туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан белгиланади, шунингдек, ташкилотлар томонидан захирага қўйилади. Бунда болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўрни яратилади;

☑ уй ҳўжалигида қорамол боқиш учун шароит ва имкониятлари, шу жумладан, ер участкаси мавжуд кўп болали оилаларга бепул қорамол берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi»
журнали муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy) МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Улчами — АЗ, 4 босма табоқ.
7 900 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1118
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

